Бутун дунё пролетарлари, бирлашингиз!

ТОШКЕНТ ОҚШОМИ

№147 (5738).
29 ИЮНЬ 1985 Й.
ШАНБА
Газета 1966 йил 1 июлдан чиқа бошлаган.
Баҳоси 3 тийин.

ЎЗБЕКИСТОН КОМПАРТИЯСИ ТОШКЕНТ ШАҲАР КОМИТЕТИ ВА ТОШКЕНТ ШАҲАР СОВЕТИНИНГ ОРГАНИ

тонгги газеталарда

28 июнь куни Кремлда КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачев бошчилигидаги СССР партия-ҳукумат делегацияси билан ВКП Марказий Комитети Бош секретари Ле Зуан бошчилигидаги ВСР партия-ҳукумат делегацияси ўртасида музокаралар бўлиб ўтди.

Музокаралар КПСС билан ВКП, Совет Иттифоқи билан Вьетнам ўртасидаги қардошларча муносабатларга хос бўлган дўстлик ва сидқидиллик, тўла бирлик ва ҳамжиҳатлик вазиятида ўтди.

***

Ўртоқ М. С. Горбачевнинг XIV Москва халқаро кинофестивалининг қатнашчилари ва меҳмонларига йўллаган табриги эълон қилинган.

***

Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиуми ўзининг навбатдаги мажлисида республика халқ депутатлари Советларининг Озиқ-овқат программаси талаблари асосида корхоналар ва ташкилотлар ёрдамчи хўжаликларининг самарадорлигини ошириш, гражданларнинг шахсий томорқа хўжалигини ривожлантириш соҳасида олиб бораётган ишлари ҳақидаги масалани кўриб чиқди.

Шунингдек, республика халқ депутатлари Советлари ишига доир бошқа баъзи масалалар ҳам кўриб чиқилиб, улар юзасидан қарорлар қабул қилинди.

Мажлисда Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитетининг биринчи секретари И. Б. Усмонхўжаев нутқ сўзлади.

***

Тунис Республикаси депутатлар палатасининг раиси Маҳмуд Мессаади бошчилигидаги шу палатанинг делегацияси Ўзбекистонга келди.

Тунис парламенти аъзолари СССР 50 йиллиги номидаги «Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасида бўлдилар. Ўзбекистон ССР Фанлар академияси Шарқшунослик институтининг олимлари билан учрашдилар.

28 июнда делегацияни Ўзбекистон ССР Олий Совети Президиумининг Раиси О. У. Салимов қабул қилди.

МЕҲНАТ ЗАФАРЛАРИМИЗ — КПСС XXVII СЪЕЗДИГА

Бугун — Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар куни

ФАН-ТЕХНИКА ТАРАҚҚИЁТИНИ ЖАДАЛЛАШТИРАЙЛИК

Ижодий фикр кишиларни, тинмб-тинчимас новаторлар — фан-техника тараққиётининг олдинги сафида бораётган ихтирочилар ва рационализаторларни кўпинча ана шундай деб аташади.

КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларни бўйича бўлиб ўтган кенгаш ишлаб чиқаришни техника билан қайта жиҳозлаш, фан ва техника ютуқларини тезкорлик билан жорий этиш ишларига янги руҳ бағишлади. КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг «Партия иқтисодий сиёсатининг туб масаласи» докладида баён этилган қонда ва хулосалар ихтирочилар, рационализаторлар, инженерлар, техниклар, шаҳар ишлаб чиқариш илғорларни учун ҳаракат программаси бўлиб қолди. Партиянинг техника тараққиётини, ишлаб чиқаришни рационализациялаш ва интенсивлаштириш, топшириқларни оз муддий техника сарфи билан бажариш ҳақидаги даъватига амалий иш билан жавоб бераётган новаторлар, илмий-техника жамиятларн янги вазифалардан келиб чиқиб, ўз фаолиятларини қайта ташкил этмоқдалар. Беш йилликнинг фақат тўрт йили мобайнида саноат, қурилиш, транспорт, алоқа, шаҳар хўжалигида, маиший хизмат тармоқларида 1538 иқтиро, 58 мингдан зиёд рационализаторлик таклифи жорий этилди. Бу қарийб 290 миллион сўмлик иқтисодий самара беради.

Жойларда янги техника, замонавий машина ва ускуналарни, приборларни, илғор иш жараёнларини жадал жорий этиш учун кураш кучаймоқда.

Ижодий фикр кишиларни, ихтирочилар ва рационализаторлар қўл меҳнатини қисқартириш ва тугатиш, иш жараёнларини комплекс механизациялаш ва автоматлаштириш, саноат роботлари ва манипуляторларини яратиш, тежамли технологияни жорий этиш бўйича катта ишларни олиб боришяпти.

Улар ўз ижодий режаларини амалга ошира борнб, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш учун, КПСС XXVI съезди қарорларини муваффақиятли бажариш учун курашмоқдалар, коммунистларнинг бўлажак анжуманини фан-техника тараққиётини жадаллаштиришга салмоқли ҳисса қўшиш билан нишонлашга тараддуд кўрмоқдалар.

Жумладан, Собир Раҳимов райони колхозларида фан-техника тараққиётини жадаллаштирниш, фан билан ишлаб чиқариш ўртасидаги алоқани мустаҳкамлаш бўйича муайян ишлар олиб борилмоқда.

(Ана шу ишларнинг нақадар самарадорлиги ҳақида газетанинг иккинчи саҳифасида «Амалий учрашувлар столи даврасн» материалларида батафсил ҳикоя қилинади).





ҲАМИША ИЗЛАНИШДА

Меҳнатга ижодий ёндошиш фазилати «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмасининг коллективига хосдир. Бу ерда иш хусусиятидан келиб чиқиб, рационализаторлик ва ихтирочилик масалаларига катта эътибор берилади. Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг бу ерда 540 аъзоси бор. Жамият совети ишчилар, инженерлар ва олимларнинг коллектив ижодкорлигига алоҳида эътибор бераяпти. Шу мақсадда комплекс ижодий бригадалар ташкил этиляпти. Бирлашмада ҳозир шундай бригадалардан 13 та. Улар энг долзарб, мураккаб вазифаларни ҳал этишяпти. Коллективнинг ижодий фаолиятини қуйидаги рақамлар характерлайди: шу беш йиллик мобайнида 721 ихтирочилик ва рационализаторлик таклифи киритилган бўлиб, шулардан 443 таси ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бу тадбирларнинг иқтисодий самараси 2,3 миллион сўмдан зиёддир.

КПСС Марказий Комитетидаги фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси коллективининг ижодий активлигини янада ошириб юборди.

СУРАТЛАРДА: бирлашманинг энг фаол ихтирочилари ва рационализаторлари.

Т. Каримов фотолари.

ТЕЖАМКОРЛИК МАСАЛАЛАРИ — ДЕПУТАТЛАР НАЗОРАТИДА

Ўзбекистон ССР Олий Совети Транспорт, йўл хўжалиги ва алоқа доимий комиссиясининг 28 июнь куни бўлиб ўтган мажлисида республика Госкомсельхозтехникаси ва Главташкентстрой ташкилотларида ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш масалалари кўриб чиқилди.

Ўтган йили республика Госкомсельхозтехникасига қарашли автомобиль транспорти билан 17 миллион тоннадан ортиқ юк ташилганлиги, ўн биринчи беш йиллик бошидан бери автомобиль паркининг қуввати учдан бир баравардан зиёд ортганлиги айтиб ўтилди. Главташкентстройда ҳам юк ташиш плани ошириб бажарилди. Ёқилғи сарфининг солиштирма нормаларини камайтириш, майда автомобиль хўжаликларини йириклаштириш, нефть маҳсулотларини сақлаш ва корхоналарга тарқатиш системасини такомиллаштириш соҳасида муайян ишлар амалга оширилмоқда.

Шу билан бирга, деб таъкидланди мажлисда, автомобиль корхоналарининг мавжуд ресурсларни тежаш борасида олиб бораётган ишлари партия Марказий Комитети 1985 йил апрель Пленумида, фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланиб КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгашда ўртага қўйилган талабларга хали мувофиқ эмас. Юк ташиш ҳажми асосан автопаркни кенгайтириш ва унинг юк ташиш қувватини ошириш ҳисобига қўпайтирилмоқда. Масалан, ўтган йили Госкомсельхозтехниканинг автомобиль парки 10 процентдан зиёд кенгайтирилди, юк ташиш ҳажми эса атиги 3,6 процент ортди. Госкомсельхозтехника ва Главташкентстройнинг автомобиль корхоналари ёқилғини тежаш планларини бажармадилар.

Депутатлар группаси ўтказган текшириш давомида кўпгина автокорхоналарда ресурсларни оқилона сарфлашга оид ташкилий-техникавий тадбирлар расмиятчилик учун тузилиб, ҳисобкитоблар билан мустаҳкамланмаётганлиги, бир қанча район ва районлараро бирлашмаларда эса умуман бундай тадбирлар ишлаб чиқилмаётганлиги ёнилғи-мойлаш материалларини тежаш вазифалари мунтазам бажарилмаётганлигининг асосий сабабларидан бири эканлиги аниқланди. Корхоналарда транспорт ишларини ҳисобга олиш кўпинча яхши йўлга қўйилмаяпти, машиналарни йўлда контрол қилиш суст амалга оширилмоқда, йўл ҳужжатлари нотўғри тузилиб, транспортчилар билан юк жўнатувчилар ўртасидаги товар-транспорт ҳужжатлари белгиланган муддатда қиёслаб кўрилмаяпти. Буларнинг ҳаммаси ҳисоботга қўшиб ёзиш, ёнилғи-мойлаш материалларини асоссиз равишда чегириб ташлаш учун шароит яратмоқда.

Депутатлардан Б. Т. Турик, И. А. Азаматов, М. Жуманиёзов, В. А. Смеюшчев, К. Б. Мамедов, С. А. Тошев, М. Ҳамроев ва сўзга чиққан бошқа кишилар кўшимча ёзиш, ёнилғини ортиқча сарфлаш фактларига қатъиян барҳам бериш, нефть маҳсулотларини қабул қилиб олиш, сақлаш ва тарқатиш устидан қатъий контрол ўрнатилишига эришиш зарурлигини уқтириб ўтдилар. Халқ депутатларининг маҳаллий Советлари, уларнинг ижроия комитетлари асосий техника-иқтисодий кўрсаткичларни бажариш, шу жумладан ресурсларни тежаш юзасидан автокорхоналар олиб бораётган ишларнинг қаттиқ контрол қилинишини таъминлашлари, фойдаланилмаётган резервларни аниқлашга оид ишларда активроқ қатнашишлари, ишга хўжасизларча муносабатда бўлиш фактларига барҳам беришлари зарур. Ҳар бир автокорхонада депутат постлари ва группалари бўлиши лозим.

Доимий комиссия мажлисида қабул қилинган қарорда Ўзбекистон ССР Госкомсельхозтехникаси ва Главташкентстрой ташкилотлари ёқилғи-энергетика ресурсларини тежаш юзасидан шу йилги ва умуман беш йиллик топшириқлари сўзсиз бажарилишини таъминлашга қаратилган конкрет тадбирлар белгиланди. (ЎзТАГ).

Эртага — совет ёшлари куни

Эртага мамлакатимиз ёшлари ажойиб байрам — Совет ёшлари кунини нишонлайдилар. Социалистик қурилишнинг барча босқичларида комсомолга уюшган ёшлар Коммунистик партия раҳнамолигида ажойиб ишларнинг та шаббускори бўлиб келдилар. Комсомол қурилишлари мардлик мактаби бўлибгина қолмай, мамлакатимиз солномасига зарҳал ҳарфлар билан битилди.

Шу кунларда ёшлар барча совет кишилари қаторн КПСС XXVII съездини муносиб меҳнат совғалари билан кутиб олишга ҳозирлик кўришяпти. Ингирма еттн зарб дор ўн кунликда ёш тошкентликлар ҳам фидокорона меҳнат қилишяпти. Чкалов номли авнадня ишлаб чиқариш бирлашмаси, «Ташсельмаш» заводи, «Тошкент трактор заводи» бирлашмаси, бошқа корхона ва ташкилотларнинг ёшлари яхши меҳнат кўрсаткичларига эришиб; жамоат ишларида фаол иштирок этишяпти. Яна бир муҳим воқеа — Жаҳон ёшлари ва студентларининг Москвада бўладиган XII фестивалидир. Ана шу фестивалда Тошкент ёшларининг вакиллари ҳам иштирок этадилар. Бугун ёш тошкентликлар ана шу санага бағишланган Бутуниттифоқ комсомол шанбалигида фидокорона меҳнат қилдилар.

Ёшлар — мамлакатимиз келажаги. Бунёдкорлик эстафетасини улар давом эттиришади. Меҳнат ва ижодда улар янада юксак марраларни эгаллашн шак-шубҳасиздир.

Москвада Жаҳон ёшлари ва студентларининг XII фестивали очиладиган кунга бир ойдан камроқ вақт қолди. Шаҳримиз комсомол ташкилотларида планета ёшларининг ана шу анжуманини муносиб совғалар билан кутиб олишга тараддуд кўриляпти.

Бугун Тошкент йигит ва қизлари мамлакатимизнинг энг яхши комсомол ташкилотлари ташаббусини қўллаб-қувватлаб, фестивалга бағишланган шанбаликка чиқдилар. Энг юқорн унумдорлик билан меҳнат қилиш, ишлаб топилган маблағни XII Жаҳон фестивали фондига ўтказиш — шанбаликнинг шиорндир.

Меҳнат байрамида Тошкент трактор заводининг Ленин комсомоли мукофотининг лауреати, ёшлар ва студентлар XII Жаҳон фестивалининг делегати Сергей Егоров бошлиқ слесарь-йиғувчилар бригадаси ҳам (суратда) фаол иштирок этди.



• *Биродарлашган шаҳарлар дўстлашмоқда*

СИЭТЛЛИК МЕҲМОНЛАР ТОШКЕНТДА

кеча

Ўзбекистон пойтахти — Тошкентга шаҳримиз билан биродарлашган Сиэтлдан «Тинчлик хори» туристлари катта группаси келди. Группага бу хорнинг асосчиси ва директори Хелен Лорицен бошчилик қилмоқда.

БУГУН

Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетининг раиси Ш. Р. Ғиёсиддов АҚШдаги биродарлашган шаҳардан келган меҳмонларни Тошкент шаҳар Совети ижроия комитетида қабул қилди.

Меҳмонлар шаҳримизнинг диққатга сазовор жойлари билан танишадилар.

Биродарлашган шаҳар — Сиэтл билан дўстлик алоқалари мустаҳкамланиб бормоқда. Сиэтл шаҳри мэри Чарльз Ройер ўтган йилнинг сентябрь ойи охирида Ўзбекистон пойтахтида меҳмон бўлди. Совет Ўзбекистони ва унинг пойтахти Тошкент билан танишув меҳмонларда катта таассурот қолдирди. Чарльз Ройер биродарлашган шаҳар вакиллари номидан сўзлаб, ер курраснда тинчликни мустаҳкамлаш, халқлар ўртасида ўзаро тушунча, тинчлик учун курашни фаол пропаганда қилиш тўғрисида гапирди.

Сиэтл шаҳрида Лорел Грей ташкил қилган ўзбек «Тановар» рақс ансамбли бор. У бунинг учун бизнинг таниқли санъаткорларимиз — СССР халқ артистлари Б. Қориева, Г. Измайлова, Тамарахоним билан учрашди, ўзбек рақсларининг сақналаштирилиши н и ўрганди. «Тановар» ансамбли биродарлашган Сиэтл шаҳар комитети фаолиятида қизғин қатнашмоқда.

Мана ниҳоят «Тинчлик хори» билан учрашув юз берди. Бу коллектив сафида студентлардан пенсионергача бўлган турли касбдаги 50 га яқин ижрочи бор. Бу коллективнинг асосий вазифаси қўшиқ санъатининг сеҳри билан тинчлик ва дўстлик ҳақидаги энг яхши туйғуларни одамлар қалбига етказишдир. Хор аъзолари тошкентликлар билан бўладиган учрашувларда ташқари ўзбек музикаси ва рақслари билан таништиришни ўйладилар. Улар учун «Баҳор» концерт залида таниқли «Баҳор» рақс ансамблининг концерти намойиш этилади.

Бу хор репертуари халқ ва классик қўшиқлар, шунингдек, тинчлик ва унсоният бирлиги, ер курраснда нурафшон ҳаёт қуриш, ни таранпум этувчи қўшиқлардан иборат.

Хелен Лорицен бу хорга узоқ йиллардан буён раҳбарлик қилиб келмоқда. У биродарлашган Сиэтл шаҳри комитети аъзоси. Бу комитетга шаҳар мэри Чарльз Ройернинг рафиқаси Розанна Ройер раҳбарлик қилмоқда. Комитет хор коллективига катта байрамларда концерт беришида. халқларнинг тинчликка бўлган истагини куйлашда яқиндан ёрдам бермоқда. Хор жуда катта программа тайёрлаган бўлиб, унда ер курраснидаги турли халқлар вакилларининг тинчлик ҳақидаги, урушга қарши қўшиқлари ўрин олган. Хор қатнашчилари ўзларининг концерт программасини шаҳримизда намойиш этишади.

ШУ КУННИНГ НАФАСИ

БУГУН ТОШКЕНТДА:

● **«Ўзторцветмет» ишлаб чиқариш бирлашмасининг рангли металларни қайта ишлаш цехида рангли металл парчаларни брикетга айлантирадиган қудратли янги пресс ишга туширилди. У меҳнат унумдорлигини икки баравар оширади. Бирлашманинг асосий корхонасидаги кенг истеъмол буюмлари цехида ҳам рўзғор буюмларини ишлаб чиқариш бошланди.**

● **Асбобсозлик заводида янги юқори унумли ускунани ишлаб чиқариш ўзлаштирилди. У қаттиқ қотишмали пластик қопланган қирқиш ускунасидир. Янги конструкция туфайли қирқувчи ускунанинг бардошлиги икки марта ошди.**

● **Ўзбекистон Журналистлар союзининг VI пленуми бўлиб ўтди. Унда КПСС Марказий Комитетининг апрель (1985 йил) Пленуми қарорларини бажариш ва КПСС XXVII съездига тайёргарлик кўришда Ўзбекистон оммавий ахборот воситалари ходимларининг вазифалари тўғрисидаги масала муҳокама қилинди.**

ОБ-ҲАВО

● Бугун эрталаб соат 11 да Тошкентда 31 даража иссиқ бўлди. Бугун кечаси 20—22, эртага кундузи 37—39 даража иссиқ бўлади.

• Шаҳар халқ контроли комитетида

ОЗОДАЛИК МЕЗОНИ

Умумий овқатланиш корхоналарида намунали тартиб бўлсин

Махсус рейд бригадаси 165 та умумий овқатланиш объектини текширди. Шундан 52 тасида санитария қондаларн қўпол суратда бузилганлиги аниқланди. Уларнинг фаолияти тўхтатилди. 84 раҳбарга жарима солинди.

Ана шу рейд якунлари бўйича шаҳар халқ контроли комитетида жиддий ва принципиал гап борди.

Озодалик мезонини ҳар биримиз болалигимиздан яхши биламизки, бу оддий қўл ювишдан бошланади. Аммо капитал, баъзи ошхона ходимлари — Ленин район ошхоналар трести [директори Х. А. Ҳўжаева] бунн унутиб қўйишибди. Қишлоқ қурилиши министрлиги қошидаги 8-ошхона филиалида [мудири А. Қорабоев] гўшт, сабзавот ва пиширкш цехларида қўл ювиш мосламалари йўқ. Ошхона ходимларн шахсий гигиенага риоя қилишмайди. Идиш-товоқ ювиш машинаси носоз. Идиш-товоқ ювиш режимларн бузилмоқда. 15-ошхона қошидаги «Лола» кафеси, 11, 8-ошхоналар, фармацевтика институти қошидаги 8-ошхона филиали санитариядан зид ҳолатдадир.

Рейд бригадаси аъзолари Ҳамза район ошхоналар трести [директори Т. Ю. Матнибзова], 4-ошхона қошидаги «Бахт» кафеси [мудири Д. Абдураҳмонов]да қўл ювидиган мосламалар йўқлигини аниқлашди. Бунинг устига гўшт ва сабзавот цехларида негадир канализация йўқ. Озиқ-овқатларни паркда жойлашган 33-ошхона филиали [мудири А. Газнтураев] таомлар тайёрлаш, идиш-товоқ ювиш технологик режимни бузилмоқда. Озодаликка мутлақо риоя қилинмаяпти.

Шаҳар санитария хизмати Чилонзор район ошхоналар трести [директори И. И. Алимов]га қарашли 9-ошхона [мудири А. К. Аҳмедов]ни ёпиб қўйишга мажбур бўлди. Бу ошхона авария ҳолатида. Канализацняси носоз. Махсус кийимлар етишмайдн, ювиш воситалари йўқ.

Шаҳар халқ контроли комитетининг мажлисида Сергели район вакиллари билан нохуш суҳбат бўлди. 2-мева-сабзавот комбинати қошидаги 5-ошхонада 200—250 кишн овқатланадн. Бироқ, на комбинат директори А. Хожимуҳамедов, на ошхона мудири Ш. Еқубов ошхонанн ёзги мавсумга тайёрлаш ҳақида бош қотирншмаган. Ҳаммаёқда сувоқлар кўчиб ётибди. Шиплар носоз. Қўл ювиш мосламалари ўлда-жўлда. Бу ерда иссиқ сув йўқ. Демак, идиш-товоқнн ювиш учун шароит яратилмаган.

Бир неча бор огоҳлантиришларга қарамай, ошхона ва бошқа мебеллар заводи қошидаги 2-ошхона филиалида санитария тартибн ўрнатилмаган. Бу ерда поллар гидроизоляцияси бузилган. Идиш-товоқ ювиш машиналарндан сарқит сув сабзавот цехига ва совутгнш камерасига тушмоқда.

Тўқимачилик комбинати кишчилар овқатланиш бўлимининг 1-ошхонаси [мудири Абдураҳмонов]да кечаги овқат қолдиғи яна қозонга ташланяпти. Худди шундай ҳоллар ЧТС қошидаги 8-ошхонада, Сергели район ошхоналар трестига қарашли 7-ошхона қошидаги «Отдих» кафесида, Фрунзе район ошхоналар трестига қарашли 2, 7, 11 ва 13-ошхоналарда ҳам аниқланди.

Шаҳар санитария хизмати шу йилнинг фақат беш ойи ичида санитария-гигиена қондаларини бузганлиги учун 314 та ошхона, кафе, буфетларни ёпиб қўйди. Умумий овқатланиш тармоғининг 675 масъул ходимига жарима солинди. Медицина-профилактика кўригидан ўтмаганлиги ва оддий гигиена қондаларига риоя қилмаганлиги учун 367 кишн ўз вазифасидан четлаштирилди.

Текширув шу нарсани кўрсатдики, икки миллион аҳолн яшайдиган шаҳримизнинг умумий овқатланиш корхоналарида намунали тартиб ўрнатиш нақадар муҳим аҳамиятга эга экаплигини ҳали ҳамма ерда тушуниб етмаганга ўхшайдилар. Озодаликка риоя қилиш— умумий овқатланиш ходимлари учун фаолиятининг асосий мезонларидан бири бўлиши лозим.

ФАН БИЛАН МЕҲНАТНИНГ ИТТИФОҚИНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

САМАРАДОРЛИКНИ ОШИРИШНИНГ БОШ МЕЗОНИ

Ишлаб чиқариш самарадорлигини, маҳсулот сифатини оширишнинг ҳамма резервларини қидириб топиб, ишга солиш—ҳозирги энг муҳим вазифадир. Кадрларимиз ҳар бир корхонани, тармоқни, бутун халқ хўжалигини интенсив ривожланиш йўлига ўтказиш ҳаётий зарурат эканини тушуниб олишлари керак.

М. С. ГОРБАЧЕВ.

АМАЛИЙ УЧРАШУВЛАР — ТОШКЕНТ ОҚШОМИ — ДАВРА СУҲБАТИ

● СОБИР РАҲИМОВ РАЙОН ПАРТИЯ КОМИТЕТИ ҲАМДА «ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ВА «ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ» ГАЗЕТАЛАРИ РЕДАКЦИЯСИН И Н Г ДАВРА СУҲБАТИ.

КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалалари бўйича бўлиб ўтган кенгаш талаблари асосида янги ғоялар, янги машина ва технологияларга кенг йўл очиб бериш, фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш учун нималар қилиш керак? Собир Раҳимов район партия комитети ҳамда «Тошкент оқшоми» ва «Вечерний Ташкент» газеталари редакциялари томонидан ташкил этилган давра суҳбатида ана шу масалалар муҳокама этилди.

Собир Раҳимов район партия комитетининг биринчи секретари **Ш. М. Ҳожимуротов** давра суҳбатини бошлаб берар экан, район партия ташкилотлари, хўжалик раҳбарлари ушбу беш йиллик иқтисодий ва социал ривожланиш планларини бажаришда биринчи навбатда корхоналарни реконструкциялаш ва техника жиҳатидан қайта қуроллантириш тадбирларини амалга ошириш, машина-ускуналарини янгилаш ва модернизациялашга, дастгоҳлардан самаралироқ фойдаланишга, эпчил технологияларни жорий этиш ва шу асосда меҳнат унумдорлигини оширишга катта эътибор бераётганликларини таъкидлаб ўтди. Беш йилликнинг ўтган тўрт йили мобайнида бош кийимлари фабрикаси тўла реконструкция қилинди. «Миконд», тажриба-механика-ремонт экскаватор, «Компрессор» заводларида янги қувватлар ишга туширилди. Амалда барча корхоналарда техника жиҳатидан қайта қуроллантириш амалга ошириляпти. 20 та цех ва участка комплекс механизациялаштирилди, 77 та автомат ва поток линияси жорий этилди. Замонавий юксак унумли 2 мингтага яқин машина-ускуналар ўрнатилди. **Ишлаб чиқаришни техникавий такомиллаштиришдан олинган иқтисодий самара 8 миллион сўмликка яқинни ташкил этди. Саноатда қўл меҳнати билан банд бўлган ишчиларнинг сони 37 процентга камайди.** Саноат ишлаб чиқариш ҳажмини ўстиришнинг ҳаммасини асосан меҳнат унумдорлигини ошириш ҳисобига таъминлаган бир қатор корхоналар сезиларли муваффақиятга эришдилар.

«Миконд» заводида беш йилликнинг тўрт йилида янги техника ва илғор технология бўйича 474 та тадбир, 484 та ихтиро ва рационализаторлик таклифи ишлаб чиқаришга жорий этилди. Бунинг натижасида 6,8 миллион сўмлик тежамкорликка эришилди. Бу ерда робот техникасидан муваффақиятли қўлланилмоқда.

Агрегат заводида Тошкент политехника институти ҳамда «Технолог» илмий-ишлаб чиқариш бирлашмаси ёрдамида станоксозлик цехи ташкил этилган. Унинг базасида махсус дастгоҳлар ва кичик механизация воситалари яратиш бўйича ишлар интенсивлаштирилмоқда.

Шу беш йиллик бошидан бери завод 10-цехидаги шестернялар участкасида деталларга ишлов бериш учун уларни транспортировка қиладиган иккита ёпиқ транспорт конвейери, 10 та махсус КШ—63 манипулятори ишлаб чиқаришга жорий этилди. Барча валларнинг заготовкаларига иссиқлик билан ишлов бериш жараёни автоматлаштирилди.

Бироқ, райондаги қатор корхоналарда меҳнат унумдорлигини ўстиришнинг кўпгина резервларидан ҳали тўлиқ фойдаланилмаяпти. Қўл меҳнати салмоғи секинлик билан камаяпти. Маҳаллий, ёғочсозлик саноати, бинокорлик индустрияси корхоналарида фан-техника ютуқлари ишлаб чиқаришга суст жорий этилаяпти.

Дурадгорлик буюмлари, 34 йирик панелли уйсозлик заводлари, чарм-галантерея буюмлари ва кенг истеъмол товарлари фабрикаси синтари кўпгина корхоналарда янги техника ва прогрессив технологияни жорий этиш бўйича планлар тўла-тўкис бажарилмаяпти.

Ремонт-подшипник, 10-авторемонт заводлари, ёғочга ишлов бериш комбинати каби корхоналарда партия ташкилотлари ва хўжалик раҳбарлари реконструкция ва техника жиҳатдан қайта қуроллантириш, дастгоҳлардан, ишлаб чиқариш қувватларидан тўлароқ фойдаланишга етарлича эътибор бермаяптилар.

Партия ташкилотларининг экономикага раҳбарлик қилиш соҳасидаги ишларида маҳсулот сифатини яхшилаш алоҳида ўрин тутади. Ушбу беш йилликда бу соҳада муайян муваффақиятларга эришилди. Лекин ўтган йил ва 1985 йилнинг беш ойлик якунлари бизда бу ишда жиддий камчиликлар мавжудлигини кўрсатмоқда. Жумладан, Тошкент мебель ишлаб чиқариш бирлашмаси олий сифат категорияли маҳсулот ишлаб чиқариш бўйича беш ойлик планни бор-йўғи 6,3 процентга бажарди. «Компрессор» ва агрегат заводлари коллективлари ҳам бу соҳада орқага чекинишга йўл қўйдилар. Уларда давлат Сифат белгиси қўйилган маҳсулотларнинг салмоғи 80-87 процентдан 9,5-60,2 процентга камайиб кетди.

КПСС Марказий Комитетида фан-техника тараққиётини жадаллаштириш масалаларига бағишланган кенгаш, КПСС Марказий Комитети Бош секретари М. С. Горбачевнинг кенгашдаги докладидан келиб чиқадиган вазифалар ишнинг аҳволини чуқур таҳлил қилиб чиқишни, ўз ишимизни қайта қуришни тақозо этмоқда.

ШТАТСИЗ БЎЛИМ ҚАНДАЙ ИШЛАЯПТИ?

Маълумки, фан-техника тараққиётини жадаллаштиришда илм-фан ҳал қилувчи роль ўйнайди. Шундай экан, илм-фан ижтимоий ишлаб чиқариш эҳтиёжларига кўпроқ эътибор бериши, ишлаб чиқариш эса фан билан алоқани мустаҳкамлаши керак. Район партия комитети ҳузурида штатсиз фан бўлими фаолият кўрсатмоқда. У ишлаб чиқариш корхоналари, илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари партия ташкилотларига фаннинг ишлаб чиқариш билан алоқасини мустаҳкамлаш, ишлаб чиқариш планларини, илмий тадқиқот ишларини бажариш, янги техника ва прогрессив технологияни жорий этишга кўмаклашишга даъват этилган.

Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш бўйича КПСС Марказий Комитетида ўтказилган кенгаш талаблари асосида бу бўлим олди да қандай вазифалар турибди? Ушбу саволга Собир Раҳимов район партия комитети штатсиз фан бўлимининг мудири, Ўзбекистон ССР Фанлар академиясининг мухбир-аъзоси, физика-математика фанлари доктори, профессор **А. Абдураззоқов** жавоб беради:

— **Энг асосий вазифа— фойдаланилмаётган резервларни аниқлаш, самарадорликни оширишга таъсир кўрсатувчи омилларни топиш, илмий потенциалдан фойдаланишни, илмий-тадқиқот ва ўқув тарбиявий ишларини ташкил этишни такомиллаштириш, фан ютуқлари, янги техника ва прогрессив технологиядан қўлланишнинг ягона яхлит системасини яратишни таъминлашдан иборатдир.** Бунинг учун мутахассислар ёрдами билан корхоналардаги технологик жараённинг умумитгифоқ ва жаҳон даражасига нақадар мос келишини аниқлаш, бу соҳадаги қолоқликнинг сабабларини ва уларни бартараф этиш воситаларини топишдан иборатдир.

Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этишнинг аҳволи билан танишиш мақсадида район партия комитети штатсиз фан бўлимининг аъзолари кейинги пайтларда райондаги қатор саноат объектлари, Ўзбекистон ССР Автомобиль транспорти министрлигининг ҳисоблаш марказида бўлдилар. Шунингдек илмий текшириш институти ва олий ўқув юртларидаги ишларнинг аҳволи ўрганиб чиқилди. Бундан агрегат, чинни заводларида қўл меҳнати салмоғи ҳали катта эканлиги тўғрисида хулоса чиқардик.

Саноат корхоналари ҳамда илмий-тадқиқот институтлари, олий ўқув юртлари, шунингдек илмий-тадқиқот институтларининг айрим лабораторияларида ва олий ўқув юртларининг кафедралари ўртасида мустаҳкам алоқа йўқлигини ҳам айтиш керак. Масалан, тупроқшунослик институти олимлари Ўзбекистон ССР Фанлар академияси ядро физикаси институтидаги фан ютуқларидан хабарлари йўқ. Олий ўқув юртларининг илмий потенциалидан тўлиқ фойдаланилмаяпти.

Кўпгина корхоналар Тошкент Давлат университети физика факультетида замонавий лазер установкалари мавжудлигидан хабардор эмаслар. Ваҳоланки, бу лазерлар технологик жараёнларни такомиллаштиришда қўлланиши мумкин. Бундай камчиликларни бартараф этиш учун штатсиз фан бўлими етакчи олимлар, лабораторияларда ва кафедралар мудирларининг корхоналар мутахассислари билан учрашувини ташкил этишни режалаштирмоқда.

ИЛМИЙ ИЗЛАНИШЛАР ЙЎЛИДА

— **Фан-техника тараққиётини жадаллаштириш зарурати корхона ва институтлар куч-ғайратини бирлаштиришни талаб қиляпти, —деб давом этади «Компрессор» заводининг директори В. В. Фрошгейзер,** — Масалан, саноқли программа билан бошқариладиган дастгоҳларни қўллаш электроникани ремонт қилиш масаласини ҳал этишни тақозо этади. Заводда бунинг учун имконият йўқ. Шунинг учун ҳам АвтоВАЗ тажрибаси асосида саноқли программа билан бошқариладиган дастгоҳларга шартнома асосида хизмат кўрсатишни ташкил этиш фойдадан холи бўлмасди.

Энди кукунли металлургиядан қўлланиш ҳақида. Биз бу ҳақда кўп гапиряпмиз, лекин иш силжимаяпти. Ҳамма корхоналар ўз холича иш кўряпти. Ваҳоланки, кукунли металлургияни жорий этиш катта тадқиқот ишлари олиб боришни талаб этади. Бунинг учун ягона лабораторияда иш олиб борадиган мутахассислар зарур.

Металлга иссиқлик билан қўшимча ишлов бериш технологиясини яратиш соҳасида Фанлар академияси институтларининг ёрдами керак.

АЛОҚАНИ МУСТАҲКАМЛАЙЛИК

— **Ўз тажрибамиздан замонавий фан-ютуқларини ишлаб чиқаришга жорий этиш яхши натижа беришини яхши биламиз, —деб ҳикоя қилади «Миконд» заводининг бош директори Х. Н. Тожиев, — масалан, фан билан мустаҳкам алоқа ўрнатганлигимиз натижасида қисқа муддатда кенг истеъмол товарларини кўплаб ишлаб чиқаришни йўлга қўйдик.**

Мавжуд технология ва биллурдан маҳсулот ишлаб чиқариш барча талабларга жавоб беряпти. Бадиий лаборатория, макет устахонаси, технология бўлими, кам миқдорда ва кўплаб маҳсулот ишлаб чиқариш участкаларини барпо этиш масаласини комплекс ҳал этганлиги-миз учун янги буюмлар ишлаб чиқаришни анча кўпайтириш, улар сифатини яхшилашга эришяпмиз. Бунинг натижасида уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш муддатлари икки баравардан кўпроққа қисқарди.

Асбоб-ускуналар билан ўз вақтида таъминлаш янги буюмларни ишлаб чиқаришни тез ўзлаштиришнинг асосий омилларидан бирдир. Кейинги йилларда ишлаб чиқаришнинг асбоб-ускуналарга ортиб бораётган талаби уларни тайёрлашда янги прогрессив усулларни жорий этиш ҳисобига қолдирилди. Бу кукунли металлургияни жорий этиш, қаттиқ қотишмалар ва автоматлардан фойдаланишдир. Металл деталлар пластмассалилар билан алмаштирилиши натижасида катта ижобий натижаларга эришилди.

Янги беш йилликка пухта тайёргарлик кўряпмиз. Биз ишлаб чиқаришни техникавий такомиллаштиришда бир йилга, ҳатто бир ойга орқада қолиш ўрнини қоплаб бўлмайдиган йўқотишларга олиб келишини ҳис этиб турибмиз.

Бугунги кунда завод ишчилари ҳам янгиликларни ишлаб чиқаришга жорий этиш учун курашмоқдалар. Улар техника фақат бугунги вазифаларни ҳал қилиб қолмасдан, истиқбол вазифаларини ҳал қилишга ҳам хизмат қилишини яхши биладилар.

Иш ўринларини аттестация қилишни таҳлил этиш натижалари асосида биз эскириб қолган кўпроқ машина-ускуналарни алмаштиришга интилаяпмиз. Камроқ материал, энергия талаб қиладиган технологияни жорий этиш керак. Ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириш эвазига маҳсулот сифатининг пишиқ-пухталигини таъминлаш, заводни техника жиҳатдан қайта қуроллантириш талаб этилади.

БИР ТОМ ОСТИДА ИККИ УЙ

Саноат корхоналари директорларининг фан-техника тараққиётини жадаллаштириш тўғрисидаги фикр-мулоҳазаларига ТашЗНИИЭП институтининг директори, техника фанлари кандидати **Х. А. Асомов** ҳам қўшилди:

— ТашЗНИИЭП зонал институтининг коллективи илмий ва лойиҳа ечимларининг юқори сифатли бўлишини таъминлаш, улар натижаларини ишлаб чиқаришга жорий этиш юзасидан тадбирлар комплексини амалга оширмоқдалар.

Кейинги йилларда бу ишларнинг сифати сезиларли даражада яхшиланди. 1984 йилда 33 синф хонаси бўлган мактаб бизнинг лойиҳамиз асосида қурилди. У ислоҳот талабларига тўла жавоб бериши сабабли Ўзбекистон ССР ва Ўзбекистон Компартияси 60 йиллиги шарафига ўтказилган республика конкурсида иккинчи мукофотга сазовор бўлди. Бу йил ҳам биз ишлаб чиққан «Себзор» микрорайонининг лойиҳаси СССР Архитекторлар союзининг биринчи мукофотини олди.

1984 йилда тугалланган илмий тадқиқотларни жорий қилиш бир сўм ҳисобига 4,2 сўмлик иқтисодий самара келтирди.

Маълумки, капитал қурилиш халқ хўжалигининг энг кўп материал, меҳнат ва энергия ресурсларини талаб қиладиган соҳадир. Қурилиш барча бўғинларида сарф-харажатлар катта бўлади. Бу эса илмий муассасалар ва лойиҳа ташкилотлари коллективлари зиммасига масъулиятли вазифаларни юклайди. **КПСС Марказий Комитети апрель (1985 йил) Пленуми талаблари асосида аҳолига хизмат кўрсатишни яхшилаш ҳамда республика пойтахтидаги қурилишларни интенсивлаш учун индустриал буюмларнинг ягона каталоги асосида турар жой ва жамоат** (социал-маданий мақсадлар) **биноларини йирик панеллар билан комплекс қуришга ўтиш жуда муҳим, деб ҳисоблаймиз.**

Зонал институтимиз ягона каталог буюмларини техник-иқтисодий жиҳатдан асослаб, уларнинг номенклатураси ва ишчи чизмаларини тайёрлади. Улар Ўзбекистон ССР Госстройи томонидан тасдиқланган. Бироқ уларни жорий қилиш кўнгилдагидек эмас.

Тўғри, Оҳангарон шоссесидаги 1-уйсозлик комбинатининг ташаббускор бинокорлари дастлабки тўққиз қаватли экспериментал уйларни барпо этишди. Улар фақат планлаштириш жиҳатидангина эмас, балки битта том остида, бир пойдевор устида амалда иккита тўрт қаватли уй жойлашганлиги билан ҳам ажралиб турадди. Ҳозир ўзлаштирилган 148-серияли элементлардан 16 қаватли уй қурилиши бошланди. У смета харажатлари камайтирилганлиги, аввалгидан икки баравар кам меҳнат сарфи талаб қилиниши, кам металл ишлатилиши билан ажралиб туради. Агар каркасли-панелли қурилишдан йирик панелли қурилишга ўтилса социал-маданий-маиший объектларни тезроқ, кам сарф билан қуриш мумкин. Афсуски «Главташкентстрой», ташкилотлари социал-маданий-маиший объектлар учун панелли буюмлар тайёрлаб берадиган корхоналарни қуришга шошилмаяптилар.

Бу илмий лойиҳа ташкилотлари айниқса бинокорлар бу улкан ва муҳим ишни планли қаратилмаганлиги сабабли бўляпти. Ҳолбуки, бинокорлик бу улкан ва муҳим ишни планли тарзда амалга оширишлари лозим.

Шаҳар партия комитетининг ташаббуси билан мувофиқлаштирувчи Совет тузилди. Советнинг вазифаси уй-жойларни социал-маданий объектлар билан комплекс равишда қуриш ҳажмининг ошиши ва сифатининг яхшиланиши билан боғлиқ барча масалаларни тўғри ва тез ҳал этишдан иборат. Бу партия ва ҳукумат олдимизга қўйган вазифаларни муваффақиятли бажаришга кўмаклашиши шубҳасиздир. Шунингдек, ТашЗНИИЭП эксперементал-ишлаб чиқариш базаси қурилишини тезлаштириш тўғрисида ҳам ўйлаб кўриш керак. Бу қурилишни олиб бораётган 1-қурилиш трести коллективи энди капитал маблағларнинг 50 процентини ўзлаштирди холос. Ҳолбуки, бу объектни ишга тушириш прогрессив янгиликларни жорий этиш муддатларини кескин қисқартирган бўларди.

МЕҲНАТ ВА САМАРА

Агрегат заводининг директори **Р. М. Алимов** давра суҳбати қатнашчилари бошлаган мавзуни давом эттирар экан, ишлаб чиқаришнинг техникавий даражасини узлуксиз ошириш ва ишлаб чиқарилаётган маҳсулотларнинг сифатини яхшилаш, фан-техника ютуқларини изчил ва интенсив жорий этиш, ишлаб чиқаришни ташкил этишни такомиллаштириш, иш жараёнларини механизациялаш ва автоматлаштириш даражасини ошириш билан боғлиқлидир, деб айтди.

Заготовкаларга иссиқлик билан ишлов бериш ишлаб чиқаришини реконструкция қилиш бир қанча муаммоларни ҳал қилиш имконини беради. Жумладан, саноқли программа билан бошқариладиган дастгоҳлар сонини кескин кўпайтириш «йўлланмасида». Ҳозирги пайтда заводда ўнта ана шундай токарлик дастгоҳлари бўлган участка мавжуддир. Бу ерда йилига 140 минг дона буюм тайёрланаяпти.

1985 йилда завод ишлов берилаётган деталлар номенклатурасини 12 тага етказишни мўлжаллаяпти. Бу дастгоҳлардан фойдаланиш коэффициентини ҳамда смена коэффициентини ошириш имконини беради. 1986—1990 йилларда саноқли программа билан бошқариладиган 100 та дастгоҳ ўрнатиш кўзда тутилган. Шунингдек, эпчил технологик комплекслар яратиш чоралари ҳам кўрилади.

Завод коллективи ресурсларни тежайдиган технологияни жорий этишга катта эътибор бераяпти. Ҳозир биз «Технолог» илмий ишлаб чиқариш бирлашмаси ва «ВНИИМЕТМАШ» билан ҳамкорликда меҳнат унумдорлигини кескин оширишга қаратилган илмий тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш чораларини кўряпмиз. Бу детелларга ишлов бериш вақтини етти баробарга камайтиради, бешта ишчини бошқа ишларга ўтказиш, 60 тонна металл прокатини тежаш ҳамда 80 минг сўмлик маблағни иқтисод қилиш имконини беради.

Олимлар билан ҳамкорликда олиб борилаётган яна бир технологик жараён ниҳоясига етяпти. Бу янгилик икки ишчини бошқа ишга ўтказиш, буюмларнинг пишиқ-пухталигини ошириш, 40 тонна металл прокатини тежаш, 50 минг сўмлик иқтисодий самара кўриш имконини беради.

Заводда техника даражасини янада ошириш ҳамда маҳсулот сифатини яхшилаш мақсадида 1986—1990 йилларга мўлжалланган комплекс тадбирлар ишлаб чиқилган.

Фан-техника ютуқларини ишлаб чиқаришга интенсив жорий этиш шароитларида кадрларни тайёрлаш ва қайта тайёрлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу сабабли заводда ишчилар ва мутахассисларни саноқли программа билан бошқариладиган дастгоҳларга ҳамда эпчил технология асосида ишлайдиган машина-ускуналарга хизмат кўрсатишга ўқитишнинг кенг программаси кўзда тутилган. Мутахассисларимиз ҳам фан-техника тараққиёти вазифаларидан келиб чиққан ҳолда ўз билимларини ошорадилар.

ИШ БИР МЕЪЁРДА БЎЛСИН

— Агрегат заводининг директори тўхталган масала жуда муҳимдир, —деб давом этди «Тошкент» мебель ишлаб чиқариш бирлашмасининг ишчиси, Ленин ордени кавалери **В. И. Таранторова.** — Кейинги икки йил мобайнида бирлашмамизда барча филиаллар реконструкция қилинди. Ҳамза районида ёғочга ишлов бериш заводи фойдаланишга топширилди. Ишлаб чиқарилаётган стуллар сифатини яхшилаш учун хизмат қиладиган машина-ускуналар ўрнатилди. Бош корхонамизда кранниинг ишга туширилиши тахта ва контейнерларни туширишда қўл меҳнатини камайтирди. Биз «Юбилейний» мебели наборини ишлаб чиқаришни ўзлаштирдик.

Шу йил охиригача йилига 300—350 минг стул ишлаб чиқарадиган цехни фойдаланишга топшириш режалаштирмоқдамиз. Шунингдек тайёр маҳсулотлар омбори қурилиши тугалланади. Буғхона қайта реконструкция қилинади. Корхонада бошқа замонавий машина-механизмлар ҳам ўрнатиляпти. Ишчиларни уларда ишлашга ўргатиш йўлга қўйилган. Бу соҳада рационализаторлар ва янги техника участкаси коллективи ташаббус кўрсатмоқда. Ўзимизда тайёрланган 8 та ностандарт машина-ускуна саноат томонидан ишлаб чиқарилаётганлардан қолишмайди.

Бироқ, ишлаб чиқаришни пухта ташкил этмай, меҳнат ва технологик интизомга риоя қилмасдан фан-техника тараққиётини жадаллаштириб бўлмайди. Бунда эса ишни бир меъёрда йўлга қўйиш учун кўп иш қилиш керак.

Корхонамизга тахта, бошқа хом ашёлар ўз вақтида келтирилмайди. Бунинг устига уларнинг сифати ҳам талаб даражасида эмас. Янги ўрнатилган машина ускуналарда ҳам нуқсонлар кўп. Уларни бартараф этиш учун кўп вақт кетяпти. Шунинг учун **ҳар бир киши ўз иш жойида масъулиятни ҳис этиб, самарали меҳнат қилишимизга эришиш керак. Шунда ҳамма режалар тўлиқ амалга ошади.**

ДАВР ТАЛАБЛАРИ АСОСИДА

— Ҳозир Валентина Ивановна бу ерда ҳодимлар масъулияти тўғрисида жуда тўғри фикрни айтди, — деди агрохимия ва тупроқшунослик институтининг директори, қишлоқ хўжалик фанлари доктори **Т. С. Зокиров.** — Бу биз — олимлар учун ҳам муҳимдир. Биз фан, техника ва ишлаб чиқаришни боғлаб турган занжирнинг барча бўғинларида масъулиятни оширишимиз керак.

Институт коллективи ТошДУ тупроқшунослик ва агрохимия кафедраси, Тошкент қишлоқ хўжалиги институти, Самарқанд қишлоқ хўжалик институти ва Андижон пахтачилик институтининг тегишли кафедралари билан ижодий алоқа ўрнатилган. Биз илмий-тадқиқотлар темаларя ва муаммоларини, амалга оширилган ишлар натижаларини биргаликда муҳокама қиламиз. ТошДУ ва Тошкент қишлоқ хўжалик институтининг олимлари институтимиз илмий Советининг аъзолари ҳисобланади. Шу билан бир қаторда ҳалигача биз бирорта фундаментал масалани ягона программа бўйича биргаликда бажарганимиз йўқ.

Бўка район партия комитети ҳамда шу райондаги «Партия XIX съезди» колхози правлениеси билан тузилган шартнома асосида уларнинг даласида илмий-тадқиқотлар олиб бор-

ИНСТИТУТЛАР БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

— Бизнинг фан билан ҳамкорлигимиз йил-дан-йилга мустаҳкамланиб боряпти,— деди чинни заводи бош директори, техника фанлари кандидати **Д. И. Маҳсудов.** — **Бу ҳамкорлик ишлаб чиқарилаётган маҳсулотлар турини кўпайтириш, улар сифатини яхшилаш, ёнилғи-энергетика сарфини камайтириш имконини бермоқда.**

Ишлаб чиқариш самарадорлигини ошириш мақсадида заводда илмий-тадқиқот лабораторияси ташкил этилган. Унга Ленинграддаги ВНИИФ тармоқ институти методик раҳбарлигини амалга оширмоқда Тугалланган илмий-тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш ҳамда маҳаллий хом ашёдан фойдаланиш бўйича илмий ечимларни ўрганиш бу лабораториянинг асосий вазифасидир. Жумладан, 1985 йилда ВНИИФ билан ҳамкорликда Куйбишев ва Орелдан олиб келинадиган камёб гипс ўрнига минерал ўғитлар чиқитларидан фойдаланиш соҳасидаги тадқиқотларни жорий эта бошладик. Ҳозирги пайтда тарелка ва лаганларни тайёрлашда ана шу чиқитдан тайёрланган формалардан қўлланилмоқда. Бунинг ўзи 180 тонна гипсни тежаш имконини беради. Бу янгилик 1987 йилдан бошлаб корхонада тўлиқ жорий этилади. Натижада 600 тонна гипс тежаладиган бўлади.

ВНИИФ томонидан тугалланган илмий-тадқиқотларни ишлаб чиқаришга жорий этиш 1985 йилнинг ўзида 75—80 минг сўмлик иқтисодий самара берарди.

Бундан ташқари завод енгил саноат министрлигининг планларига мувофиқ Тошкент политехника институти лаборатория ва кафедралари ҳамда Ўзбекистон ССР Фанлар академияси физика институти билан ҳамкорликда иш олиб бормоқда. Уларни ишлаб чиқаришга жорий этиш буюмлар вазнини 15—20 процентга енгиллаштириш имконини беради. Натижада кўплаб хом ашё, ёнилғи ва электр энергияси тежалади. Бошқаришни автоматлаштириш системасини жорий қилиш, бошқа илмий-тадқиқотлардан ишлаб чиқаришда қўлланиш ҳам катта самара беради. Айни пайтда бу заводимиз коллективига жаҳон стандарти даражасидаги юксак бадиий буюмлар ишлаб чиқаришни йўлга қўйиш имконини ҳам беради.

Давра суҳбати корхоналар ҳамда олий ўқув юртлари кафедралари, илмий-тадқиқот институтлари ўзаро алоқасини янада мустаҳкамлаш зарурлигини кўрсатди. Бунда КПСС Марказий Комитетида бўлиб ўтган кенгашда олдинга қўйилган вазифалар асосида илмий ечимлар самарадорлигини ошириш, уларни жорий этиш муддатларини қисқартириш лозимлиги уқтирилди. Экономика турли тармоқларида фан-техника янгиликларини тез ва муваффақиятли бажарилишида жорий фойдаланиш кераклиги айтилди. Бу иш нақа-тегишли идоралар раҳбарларининг ижодий илмий ва ишлаб чиқариш коллективларининг, роль ўйнайди. Давра суҳбати коммунистлар, актівлиги, уларнинг бу ишга қизиқиши катта корхоналарнинг раҳбарлари олдида турган вазифаларни муваффақиятли бажариш, КПСС XXVII съездини муносиб кутиб олиш учун фақат ташкилий-техникавий тадбирларни амалга ошириб қолмасдан, тарбиявий ишларнинг ҳам кучайтиришлари кераклигини кўрсатди.

Давра суҳбатини Н. ПАНЯКШИНА ёзиб олди.

Собир Раҳимов район партия комитетида бўлиб ўтган «Давра столи» суҳбати қатнашчиларининг сўзларидан шу нарса маълум бўлдики, меҳнат унумдорлигини ошириш, илмий-техника тараққиётига мунтазам амал қилиш, ташкилотчиликни кучайтириш, меҳнат интизомига риоя қилиш, кишиларга берилган топшириқларнинг бажарилишини мунтазам текшириб бориш — шу кунининг энг муҳим вазифаларидан бири бўлиб қолмоқда.

СУРАТЛАРДА: «давра столи» суҳбати қатнашчилари.





2 ТОШКЕНТ ВЕЧ. ОҚШОМИ

29 ИЮНЬ, 1985 й.



ТОШКЕНТ ЯНГИЧА АНЪАНАЛАР ШАҲРИ

БАХТ ЁР БЎЛСИН!

Якшанба куни эрта тонгда Спутник массивида шўх музика садолари тарала бошлади. Кўплаб сергелликлар 16-кварталга — район ЗАГС бўлимининг очилишига келишди. Бу ерда тантанали митинг бўлди. Тантанага бино қурувчилари, шаҳарнинг бошқа районларидаги ЗАГС бўлимларининг ходимлари ҳам келишди. 95-кўчма механизациялашган колонна вакили В. И. Болтуев янги ЗАГС-нинг рамзий калитини ЗАГС бўлими мудири Р. К. Азизовага тантанали суратда топширди.

Йиғилганларнинг қарсакларн остида уч йигит ва уч қиз биринчи бўлиб бахт уйининг остонасига қадам қўйишди. 25-поликлиникка кўз врачи Лидия Яковлевна ва қурилиш материаллари комбинати бригадири Валерий Григорьевич Безгинлар оиласи шу куни кумуш тўйини нишонладн. Ҳаётда кўпни кўрган кексалар ёш келинкуёв Шаҳноза ва Обиджон Валиевларга ҳамда ёш ота-она — Дмитрий ва Татьяна Евдокимовларга бахт-саодат тилашди.

Шу куни бу ерда «Бахт тилаймиз», «Бахт-саодат тилаймиз!» — деган тилаклар ўнлаб марта янгради. Ёш келин-куёвларга ЗАГС ходимлари, район ижроия комитети вакиллари, ишдаги ўртоқлари, меҳнат коллективларининг партия ва касаба союз ташкилотлари раҳбарлари энг яхши истакларини билдиришди.

Дилрабо куй ва қўшиқларга тўла тантаналарни ташкил этишда А. Ҳидоятов номли маданият уйининг методисти Галина Кузьмичева бошчилигидаги ҳаваскорлар жонбозлик кўрсатишди.

Янги бўлимнинг кутиш залида ҳам, никоҳ, туғилиш гувоҳномаларн қайд этиладиган хонада ҳам шинамлик, саришталик. Гиламлар тўшалган, замонавий мебель қўйилган.

...Янги ЗАГС бўлимида дастлабки тантаналар мароқли ўтди.

Н. КОРЧАГИНА.

СУРАТЛАРДА: туғилиш гувоҳномаси топшириляпти; бахтиёр келин-куёвлар.

Т. Каримов фотолари.

ОЛИЙ ЎҚУВ ЮРТЛАРИДА

ИХТИРОЛАР — ИСТИҚБОЛ КЎЗГУСИ

Яқинда Меҳнат Қизил Байроқ орденли Тошкент Давлат медицина институтида Бутуниттифоқ ихтирочилар ва рационализаторлар кунига бағишланган тантанали мажлис бўлиб ўтди. Мажлисни институт проректори профессор А.А. Кочегаров кириш сўзчилик ва рационализаторлик соҳасида қўлга киритилган ютуқлар ҳақида гапириб, уларнинг ижодкорларига юксак муваффақиятлар тилади.

«Институтда ихтирочилик, рационализаторлик фаолияти ва тараққиёти» ҳақида институт ихтирочилар ва рационализаторлар жамиятининг раиси, Ўзбекистон ССРда хизмат кўрсатган ихтирочи, доцент А. Маҳсумов доклад қилди.

1971 йилдан бошлаб институтда дастлабки ихтиролар кўзга ташлана бошлади. Ҳар йили олимлар томонидан ўнлаб ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари киритилмоқда.

Масалан, биргина биорганик химия кафедрасида ихтиролар ишлаб чиқаришга жорий қилиниши туфайли халқ хўжалигига бир неча миллион сўмдан зиёд иқтисодий фойда келтирилди. Медицина соҳасида кашф этилган ўнлаб дори моддалари — микроблар, замбуруғлар, вирусларга қарши ўз таъсири жиҳатидан аввалги вакилларига нисбатан бир неча баробар устун ҳамда зарарсиз бўлиб, юксак самара бераётганлиги туфайли юқори баҳоланиб келинмоқда.

Институтда нафақат химия соҳасида, балки хирургия, стоматология, фармакология, микробиология, гигиена, урология соҳасида ҳам бир неча ихтирочилик ва рационализаторлик таклифлари киритилган. Бу ерда кашф этилаётган ихтирочилик ва рационализаторлик таклифларига 40 дан ортиқ студентлар ҳам ўзларининг муносиб улушларини қўшиб келмоқдалар. Улар яратган ихтиролар медицина ва халқ хўжалигининг турли соҳаларида қўлланилиб, юксак самара бермоқда.

Актив студентлардан З. Иброҳимова, А. Ризамуҳамедов, Э. Миржўраев, К. Хон, А. Пўлатқориева ва бошқалар «СССР авторлик гувоҳномасини олишга муваффақ бўлдилар. Студентларнинг бу илмий фаолиятлари тиббиёт фанини чуқур эгаллашларида алоҳида ўрин тутади. Улар ўз устозлари изидан бориб, бу борада изчил ўқиб-ўрганишга ҳаракат қиладилар.

Мажлис сўнггида актив ихтирочи олим ва студентларга мукофотлар топширилди.

З. НИЗОМОВ.

СУНГГИ ТО КОЛОНКА

● **МАРКО ПОЛО ВА МУЗҚАЙМОҚ**

Мороженоенинг илк рецептини, уни тайёрлаш технологиясини ким биринчи бўлиб тузганн маълум эмас. Бироқ, Узоқ Шарқ мамлакатларида, масалан Хитойда қандолатчиларнинг мороженое тайёрлаш сирларини эрамизгача минг йилдан зиёд илгари билганликлари маълум. Машҳур сайёҳ Марко Поло Хитойга қилган сафари пайтида мевали мороженоеларнинг бир қанча рецептларини ўрганишга муяссар бўлган эди. Ана шу пайтдан бошлаб бундай ҳуштаъм овқатни Европада тановул қилиш расм бўлди.

● **БОСИМ ВА ХАТО**

Атмосфера босими пасайган пайтда киши-нинг эътиборн билан боғлиқ бўлган хатолар сони ошади, деб таъкидлайди Миссури университетининг ўқитувчиси Боннард Мозли. Маълумотн бўйича мол доктори бўлган Мозли ҳаво ўзгармши олдидан ҳайвонлар ва инсонларнинг феъл-атворини кўп йил кузатди. Ана шу кузатувлар якуни сифатида яратилган китобида ўз хулоса ва фикрларин баён этиб беради.

● **СИНОВ МУДДАТИДА ҚОИДА БУЗИЛМАСА**

Ўтган йили Францияда рўй берган йўл-транспорт ҳодисаларн оқибатида 200.000 киши жароҳатланди, 11.000 дан ортиқ киши ҳаёт билан видолашди. Бу иохуш ҳодисанинг бир қисми тажрибасизлиги ва кўпчилик ҳолларда рулга маст ҳолда ўтирадиган, ўзига бино қўйган ўсмирларнинг айби билан содир бўлди. Шу боисдан маъмурлар ёш ҳайдовчилар учун синов муддатини жорий этишга қарор қилдилар. Агар улар ана шу синов муддати пайтида ҳаракат қоидаларн бузилишига йўл қўймасалар, муддат тугаганидан кейин тўла ҳайдовчилик ҳуқуқини қўлга киритган бўладилар.

● **ЭҲ, ҚОНУНЛАР, ҚОНУНЛАР...**

АҚШнинг ҳар бир штати ва ҳатто шаҳарлари ўз қонунларига эга. Бу қонунлар орасида шундай аҳмоқоналари ҳам борки, ҳатто уларга кишининг ишончи ҳам келмайди. Масалан, Янгстаунда [Огайо штати] пассажирларни такси томида олиб юриш тақиқланган. Шу штатнинг Кливленд шаҳрида эса 15 метр радиусда яшаётганлар эътироз билдирмаган тақдирда қўшининг жўжаларини отиш мумкин. Вашингтон штатининг Сиэтл шаҳрида аквариумда боқиладиган балиқларни агар улар ўзларини рисоладагидек тутишсагина жамоат транспортида ташишга рухсат этилади. Нью-Йорк штатининг Бруклин шаҳридаги қонунлардан бири эшакни ваннага солиб ухлатишн қатъий равишда тақиқлайди. Соқол олдираётган вақтда сартарош креслосида ухлаб қолган мижоз ҳам қонунни бузган ҳисобланади. Миннесотада Қорбобо костюмида пайдо бўлган аёлни қамоқ жазоси кутаётганн аниқ! Кишинн энг ҳайратга соладиган томони шундаки, Қўшма Штатларда асосий қонунлар ва инсон ҳуқуқлари ҳамма жойда ва ҳар куни бузилаётган бир пайтда юқорида айтиб ўтилган аҳмоқона қонунларга ҳаддан ташқари қаттиқ риоя қилинади.

● **САВОДХОНЛАР ПАРАДИ**

Францияда орфографня бўйича дастлабки «чемпионат» ўтказилди. 5196 қатнашчидан фақат бир кишигина диктантни бехато ёзишга муваффақ бўлди. Бу саводхон киши Лилл шаҳридан келган инглиз тили ўқитувчиси эди.

● **ШАРТНОМА ТУЗИШГА НАВБАТ**

Сингапур метроси қурилиши шартномасини тузиш конкурсида қатнашиш учун 14 мамлакатдан 37 компания танлаб олинди. Бу фирмаларнинг метро қурилишига бунчалик қизиқа ётганлигининг боиси бор, албатта: ер ости йўлларини қуриш ва ҳаракатни ташкил этиш қиймати 2,2 миллиард долларда баҳоланмоқда!

Редактор Ш.О.УБАЙДУЛЛАЕВ





ШАНБА ОҚШОМИ

Ҳайвонот олами сирлари

СУВАРАККА ҚАРШИ

«Агар уйингизда суваракlар кўпайиб кетган бўлса гекконлар сотиб олинг!» Кейинги вақтларда ана шундай рекламаларни Америкаиинг Флорида штати газеталари саҳифаларида кўриш мумкин. Аммо гекконлар ҳашаротга қарши янги турдаги кимёвий препарат бўлмай, у энг кичик келтакесакларнинг бири. Флориданинг кўпчилик аҳолиси суваракларга қарши курашларда муваффақиятсизликка учраб гекконлар ёрдамига таяндилар. Бироқ маъмурият гекконлар Флоридада ўзларига яхши шароит топиб жуда кўпайиб кетишларн ва бунинг оқибатида бу штатда экологик мутаносибликка путур етишидан жиддий ташвишланмоқдалар.

ҚУШЛАР ВА ҲАЙВОНЛАР ШАҲАРДА

Зоологлар ўрмонда яшовчиларнинг шаҳарда пайдо бўлиши ҳақида ахборот берадилар. Швецияда улкан лослар қатнов гавжум кўчалар бўйлаб автомобиль ва трамвайлар ҳаракатига ҳалақит бериб, бемалол терқалиб юрадилар.

Кунни дала ёки ўрмонда ўтказиб, шаҳарда тунаш кўпгина қушлар учун «одат» тусига айланди. Бундан ташқари, шаҳар қушларга табиий душманлардан хавфсирамай бемалол ухлаш имкониятини берувчи кўплаб кавак, токча ва бошқа бошпаналарни инъом этади.

Қушлар «маданияти» ҳам юксалмоқда. Масалан, Лондонда магазиндан келтирилиб буюртмачилар уйи олдида қолдириладиган сутли шишаларни читтакилар очишга ўрганиб олдилар.

Ф. ОРИПОВ тайёрлаган.

Оқ гуллар

ҚАТРА

Оппоқ... Гўёки олам оқлиқдан яралгандек. Ҳаммаёқда оппоқ гуллар.

Ёдимда, сен оқ гулларни севардинг, қучогингдан қўймасдинг уни. Унн сен бегуборлик, поклик тимсолн, дер эдинг. Ҳа, мен сенга оқ гуллар харид қилаётганимда кўпчилик менга ажабланиб қарарди, кулардн. Аммо улар, оқ гулларни қанчалик севишингни билишмасди. Мен эса кўлимда оқ гуллар билан сен томон ошиқардим. Оқ гулларни, сенинг гулларингни тақдим этгач, иккаламиз олам-олам қувонч билан йўл олардик.

Бир гал менга тўсатдан энди қайта учрашмаслигимизни айтдинг ва таниш-ганимиздан буён биринчи марта оқ гулларимни олмадинг... Сенн «унаштириб» қўйишибди. Назаримда бутун ёруғ жаҳонни қоп-қора зулмат қоплагандек бўлди. Кўлимдаги оқ гуллар кўз ўнгимда қорайиб қолди. Ўша кунн иккимиз ҳам бир алпозда қишлоққа қайтдик.

Мана, бугун сенинг туғилган кунинг. Бенхтиёр сени табриклаш учун йўл олдим. Бозорга кирдим. Шу пайт ёшгина йигитнинг оқ гулларни харид қилаётганини кўриб қолдим. Ҳамма унга ҳайрат билан боқарди, у эса бепарво ўз йўлига кетди. Мен бу йигитга олам-олам бахт тиладим. Назаримда бутун олам тўсатдан оқариб кетгандай туюлди, кўзларимга бенхтиёр ёш келди. Изимга қайтдим.

Эрталаб туриб, деразани очдим-у, қотиб қолдим. Уша йилн ўтказилган бир туп оқ атиргул оппоқ бўлиб очилибди. Қуёшининг заррини нурида у яна ҳам оқариб кўринарди.

Ушандан буён гуллар очилганда сен яхши кўрган оқ гулларни олиб термуламан, уларда сенинг юзингни, кўзингни, кулгичларингни кўргандек бўламан.

Кўнглим сенга абадий оқлигича, поклигича қолганини билармикансан, севгилим.

Х. ДАВРОНОВ.

Митти масаллар

МИХ ВА БОЛҒА

— Нега бошимга тўхтовсиз урясан! — дея норозн бўлди Мих.

— Сенн ўз ўрнингга жойлаш қийин бўлгани-да, — дедн болға.

СИРЕНЬ ВА АТИРГУЛ

— Иккимиз ҳам гулмиз, ҳатто мен сендан нафис ва гўзалман. Аммо одамлар икки учун сенн кўпроқ ёқтиришади! — дея ҳайрон бўлди Сирень.

— Ташқи гўзалликнинг ўзи кифоя эмас, муаттар ҳид билан одамлар дилнн хушнуд эта билиш керак, — дедн Атиргул.

ДАРЁ ВА ИРМОҚ

— Ўзингча сенинг ҳам дарё бўлгинг келяптида, — дедн Дарё Ирмоқнн менсимай.

— Ҳа, лекин ўзинг ҳам қачонлардир ирмоқ бўлганингни унутма, — дедн Ирмоқ.

УПА ВА ЮЗ

— Мен туфайлн сен гўзалсан, — деб мақтандн Упа юзга.

— Мен борлигим учун сен кераксан, — дея эътироз билдирдн Юз.

Моҳира МАМАДАЛИЕВА, ишчи.

• Шанба интервьюси

«КЕЛАЖАК АСРГА»

ҲАМШАҲРИМИЗ ТЕЛЕВИЗИОН ИСКАНДАР ҲАМРОЕВ — ЯНГИ КЎП СЕРИЯЛИ ФИЛЬМНИНГ РЕЖИССЁР-ПОСТАНОВКАЧИСИ

«ТОШКЕНТ ОҚШОМИ» ГАЗЕТАСИНИНГ МАХСУС МУХБИРИ Ю. КАЗАЧЕНКО ЛЕНИНГРАДДАГИ «ЛЕНФИЛЬМ» СТУДИЯСИДА КИНОРЕЖИССЁР ИСКАНДАР ҲАМРОЕВ БИЛАН УЧРАШДИ.



«Келажак асрга» — муболағасиз айтиш мумкинки, ана шу икки сўз бугунги кунда миллионлаб телетомошабинларнинг тилидан тушмаётир. Марказнй телевиденне ана шу ном билан янги беш серияли бадний фильмни намойиш қилди. Томошабинларнинг катта қизиқишига сазовор бўлган бу фильмнинг тўртинчи ва бешинчи сериялари куни-кеча кўрсатилди. Шу туфайли редакцияга келган бир талай хатларда бу фильмнинг муаллифлари ва ижодкорлари, картина қаҳрамонларининг келгусидаги тақдири қандай тугаши ҳақида ҳикоя қилиб берилиши сўралган.

Картинанинг тнтрларида ҳамшаҳримиз, таниқли совет кинорежиссёри Искандар Ҳамроевнинг номи ёзилмоқда.

— **Искандар Абдураҳмонович, сизнинг янги фильмингизни катта ва зўр қизиқиш билан томоша қилишмоқда. Балки фильм тўла намойиш этиб бўлингандан кейин Марказнй телевиденне ва шахсан сизнинг ўзингиз режиссёр-постановкачи сифатида яхши истаклар ва саволлар ёзилган кўплаб хатларни олярсиз. Албатта сиз бу хатларнинг ҳаммасига ҳам жавоб беришингиз мушкулдир. Лекин тошкентликларда бу борада бир мунча устунлик бор. Биринчидан, биз сизга биринчи бўлиб савол бераётирмиз, иккинчидан эса сиз бизнинг ҳамшаҳримиз бўласиз.**

— Бу — иккинчидан эмас, биринчидан. Ҳамшаҳарларим мени Бутуниттифоқ Давлат кинематографня институтига кириб ўқишим ҳусусида яхши маслаҳатлар беришган... Бу ерда менинг бобом — СССР халқ артисти Раззоқ Ҳамроев катта аҳамият касб этганлигини айтиб ўтишим жоиздир. Сергей Апполинариевич Герасимов курсига қабул қилиндим. Санъатда ҳам, ҳаётда ҳам юксак билим берганлиги учун бу кишидан бир умрга миннатдорман.

— **Сизнинг дастлабки кино асарингиз қачон кўрсатилган эди?**

— 1961 йилда. «Ленфильм» студиясида диплом ишим — «Оқсоқол» лентасини суратга олдим. Бу фильм ҳатто Бутуниттифоқ экранига ҳам чиқарилди.

— Кинода бундай тез муваффақият қозонишнинг ўзи бўлмайди. Ўша биринчи фильмни доимо эслаб турараман. Навқирон шаҳарда истиқомат қилувчи «Циркчи бола» ва унинг дўсти — маҳаллий «оқсоқол» доимо кўз олдимдан ўтиб туради. Диплом ишини суратга олиб бўлганимдан кейин мени «Ленфильм» студиясига ишга таклиф қилишди. Ҳозирга қадар 20 га яқин картинани суратга олдим. Улар «Шафқат поезди», «Мономах шапкаси», «Бир осмон остида» ва бошқа картиналардир. «Ўзбекфильм» киностудияси коллективи билан ҳам ишлашга муяссар бўлдим. Улар билан яратган картинамдан катта қаноат ҳосил қилдим.

— **Искандар Абдураҳмонович, энди бевосита сизнинг янги картинангиз билан алоқадор бўлган саволларга, марҳамат қилиб жавоб берсангиз?**

— Бу Георгий Марковнинг асари асосида тайёрланган иккинчи фильмимдир.

Георгий Макеевич ажойиб, ишчан инсон. Янги роман ва сценарий устида бир йўла тинмай меҳнат қилди. Шундай қилиб Георгий Макеевич ҳам муаллифлардан бири Эдуард Шин ва менга илҳом бериб турди. Ҳамкорлик ғоятда қизиқарли айни чоқда қизиқарли борди. Фильмнинг баркамол яратилиш мумкинлигини бир неча йил муқаддам Марков янги роман ва фильм яратиш борасидаги ғоясини менга айтиб берганида яққол маълум бўлган эди.

— **Бош роль — область партия комитетининг секретари Соболев ролини артист Юозас Киселюс ажойиб ижро этган. Қандай қилиб у бош ролнинг ижрочиси бўлиб қолди?**

— Соболев ролини ижро этиш учун биз бир қатор мураккаб талаблар қўйдик. Биринчидан, у яхши актёр бўлмоғи керак— чунки бундай мураккаб ўзига хос муҳим аҳамиятли ролни ижро этиш учун чинакам талабчан ижодкор керак. Иккинчидан, картинамизнинг қаҳрамонларидан бирининг тили билан айтганда «Ёш, лекин ғоятда тажрибали» киши бўлмоғи керак. Юозас Киселюс «Дьюнядаги олис йўл» фильмида бош ролни ижро этганлиги учун илгари Давлат мукофотини олишга сазовор бўлган эди. Ана шу жиҳатлар бизга бир мунча қўл келиб қолди. Суратга олиш майдонида биз бу артистни танлаб хато қилмаганлигимизга ишонч ҳосил қилдик.

— **Сиз Юозас Киселюс билан ўз қаҳрамонингизни катта ва мураккаб планли масалаларни ҳаётга жорий этаётган чуқур фикр юритиш погонасига кўйгансиз. Қаҳрамонинг келгусидаги тақдири қандай воқеалар билан боғланади?**

— Ҳозирча иш давом этмоқда. Чунки биз китобнинг биринчи қисмининга экранлаштирдик. Икки ойдан кейин янги телевизион серия устида ишлашни бошлаймиз. У саккизта фильмдан иборат бўлади.

— **Сиз Ҳамза тўғрисидаги телевизион фильмлар ҳақида қандай фикр билдира оласиз! Чунки бу сериядаги картиналар яқинда Марказнй телевиденне орқали кўрсатилади.**

— Муболағасиз айтиш мумкинки, бу ажойиб картинанинг янги сериялари Марказий телевидение орқали кўрсатилишини томошабин сифатида сабрсизлик билан кутаётирман. Мен бу кўрсатувни минглаб ленинградликлар, мамлакатимизнинг бошқа шаҳарлари аҳолиси каби ошиқиб кутаётирман. Кинорежиссёр Шуҳрат Аббосов «Тошкент — нон шаҳри» ва «Сен етим эмассан» сингари ажойиб фильмларни суратга олганлигини ҳам таъкидлаб ўтишни истар эдим. Унинг ҳар бир лентаси томошабин учун шунчаки оддий байрам бўлиб қолмай, балки ўзига хос катта санъат маҳорати мактабидир. «Оловли йўллар» тарихий телевизион фильмлар серияси менинг чуқур тасаввурим бўйича, бизнинг яратган янги фильмимиз каби ҳозирги асримизга ва келажак асрига бағишланган.

Мумкин бўлса, «Ўзбекфильм»даги барча ҳамкасбларимга, барча тошкентликларга менинг самимий саломларимни ва энг яхши истакларимни етказсангиз.

ТАОМ ЛАЗЗАТИ — МЕҲМОН ИЗЗАТИ

Ҳиди бурқираб турган шўрва

Жаҳон халқлари пазандачилигида турли-туман таомлар учрайдики, уларни ўрганиш ва тайёрлаш дастурхонимизга файз бағишлайдн. Қуйида немис халқ пазандалигидан баъзн намуналар билан танишасиз.

350 грамм қўй гўшти, бир бош унча катта бўлмаган карам, ярим боғ селдерей, 4—5 бош пиёз, 500 грамм картошка, 75 грамм думба ёғ, туз, қизил қалампир, булғор қалампири 2 дона, лавр япроғи 3—4 дона, тмин ва бир боғ укроп.

Бу шўрва иккита қозонда ёки кастрюлькада тайёрланади.

Биринчиси: қуйруқ майда тўғралиб, қизиб турган қозонга солиб қовурилади. Жизгандан кейин тўғралган пиёз солиб қизаргунча қовурилади, кейин кубик шаклида тўғралган карам солиб қовурилади. Лавр япроғи, тмин таъмига қараб туз солиб яхшилаб қовурилиб бир литр сув қуйилади ва паст оловда қайнатилади.

Иккинчиси: бошқа қозонга ярим литр сув қуйиб, кубик шаклида тўғралган гўштни солиб паст оловда қайнатилади, қайнаб чиққандан сўнг булғор қалампири кубик шаклида тўғраб солинади, укроп, селдерей, тмин, лавр япроғи солиб паст алангада ярим соат қайнатилади. Кейин биринчи қозондаги маселликни иккинчи қозонга аралаштириб, яна ярим соат паст оловда қайнатилади, таъмига қараб туз сепилади. Ҳиди бурқираб турган шўрвани иссиқлигича дастурхонга тортилади. Бу овқат 3—4 кишига мўлжалланган.

Филология фанлари кандидати М. САИДБОЕВА тайёрлаган.

Тошкентнинг спорт майдонларида

ТАНИШИНГ, ШАҲРИМИЗ ЧЕМПИОНЛАРИ

ДАСТЛАБКИ ҚАДАМ



Куйбишев районидаги 120-мактаб ташкил этилганига кўп бўлгани йўқ. Орадан ўтган беш йил мобайнида бу ерда ўқувчиларни физкультура ва спорт ишларига жалб қилиш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди. Енгил атлетика ўқувчиларнинг севган спорти бўлиб қолди. Бунда жисмоний тарбия ўқитувчиси Лев Борисович Грудининг хизматлари катта.

Бу йил «Динамо» стадионида ўтказилган ГТО кўпкураши бўйича шаҳар чемпионатида шу мактабнинг 8-синф ўқувчиси Александр Борисенко ўзига хос ирода, чаққонлик, ҳушёрлик кўрсатиб, чемпион унвонини қўлга киритди. Бу унинг спортда эришган дастлабки муваффақиятидир.

—3-синфда ўқиётганимда сузиш билан шуғулланя бошладим, — дейди Саша. — Туркистон Ҳарбий округи спорт базасида ўтказилаётган машғулотларда иштирок этардим. Бу борада анча кўникма ҳам ҳосил қилдим. Назаримда бу машғулот организмимга тўғри келмади. Кўзим оғрий бошлади. Шунда физкультура ўқитувчимиз Лев Борисович менга енгил атлетика билан шуғулланишни маслаҳат берди.

Александр Борисенконинг бу борадаги дастлабки одимлари зафарли бўлди дейнш мумкин. 1983 ва 1984 йилларда мактабда ва районда биринчи ўринни эгаллади. Кейин у шаҳар биринчилигида қатнашиш ҳуқуқини қўлга киритди. 60 метр масофани 7,6 секундда, 500 метр масофани бир минут 14 секундда босиб ўтганлиги, тўпни 63 метрга улоқтирганлиги, сузишда 29,7 секунд натижа кўрсатганлиги, енгилик маррасида 50 имкониятдан 24 очко тўплаганлиги учун шаҳар чемпиони унвонига сазовор бўлди.

Шуни ҳам айтиш керакки, унинг қалбидаги физкультура ва спортга бўлган дастлабки ҳавас вақт ўтиши билан орзуга айланди. Ўз олдига келажакда втук жисмоний тарбия ўқитувчиси бўлишни мақсад қилиб қўйди. Ундаги енгил атлетикага бўлган иштиёқ, машғулотларни мунтазам ўтказиш, синглиси — 5-синф ўқувчиси Оляга ҳам ўз таъсирини кўрсатди. У ҳам акаси йўлидан бориб, югуриш, баландликка ва узунликка сакраш, тўп улоқтириш билан шуғулланишда давом этмоқда.

Яна бир нарсани эслатиб ўтиш жоиздир. Александр Борисенко ўтган йили яхши натижалар кўрсатганлиги учун республика терма командаси составига киритилди. Фрунзе шаҳрида ўтказилган Урта Осиё республикалари ва Қозоғистон мактаб ўқувчиларининг ГТО кўп курашн иккинчи босқичи бўйича ўтказилган матч-учрашувида район ва шаҳар мусобақаларида эришган муваффақиятларини янада бойитишга муваффақ бўлди. Умумий якунда иккинчи ўринни эгаллаб, кумуш медаль билан тақдирланди.

М. ХИДИРОВ.

Кубок эгаси аниқланди

Куйбишев районидаги корхона, қурилиш ташкилотлари, муассаса физкультура коллективлари ўртасида ўтказилган футбол бўйича кубок баҳслари якунланди. Барча учрашувларни шиддаткор рухда ўтказган «СССР 50 йиллиги номидаги Тошкент трактор заводи» ишлаб чиқариш бирлашмасининг 19-цехи футболчилари кубок соҳиби бўлишди.

«Динамо» кўнгилли спорт жамиятининг биринчи терма командаси иккинчи ўринни эгаллади. 6-таксопарк футболчилари эса учинчи совриндор бўлишди.

Ғолиблик учун бўлган баҳсда 14 команда иштирок этди. Баҳслар аввалги йилларгагига нисбатан бошқача тартибда ўтказилди. Футбол бўйича мастерлар коллективларида баҳс юритаётган командалар беллашувларга қўйилмади. Бу ўз навбатида иштирокчиларнинг сафини кенгайтириш, футболни янада оммалаштиришга ёрдам берди.

ТЕЛЕПРОГРАММАЛАР

ДУШАНБА, 1. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 Футбол шарҳи.
10.10 «Константин Паустовский. Танҳо кўз билан». Илмий-оммабоп фильм.
10.40 О. Басистюк куйлайди.
11.05 Болалар учун фильм. «Шудринг».
12.10 П. Богданов шеърлари.
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Саксонинчи йиллар коммунистлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 «Болаларга ҳайвонлар ҳақида».
16.30 «Бугунги Канада». Киноочерк.
16.45 «Подолье» ансамбли рақсга тушади.
17.20 «Онамларнинг мактаби».
17.50 «Лаос санъати».
18.30 «Горнчилар, қаердасиз!»
19.00 Пушкино шаҳрининг академик хори ижро этади.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Ишлар ва одамлар». КПСС XXVII съезди олдидан.
20.00 «Қуёш болалари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Қуёш болалари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
23.25 Футбол шарҳи.
23.55 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Буюк ялангоёқлар». Бадиий фильм.
10.45 «Фан ва турмуш». Литва ССР Фанлар академияси.
11.15 Р. Шуман. «Крейслериана».
11.45 «Олтин даштдаги шаҳар». Телефильм премьераси.
12.05 Совет гражданларининг билим олиш ҳуқуқи тўғрисида.
12.35 «Ер ости ўтиш йўли». Мультфильм.
12.50 «Таътилдаги саргузаштлар». Болалар учун тўрт серияли телевизион бадиий фильм. 1-серия (ЧССР).
14.00 «Рус тили».
14.30 «Севги жилолари». Музикали телефильм премьераси.
15.35 СССР халқ артисти М. Царёв лирик асарлардан ўқийди.
16.15 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 «Баджаҳл эркаклар ва ўн икки қайсар аёл». Ҳужжатли фильм премьераси.
19.00 Ритмик гимнастика.
19.30 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Мяу деган ким?» Мультфильм.
20.45 «Халқаро панорама».
21.30 «Время».
22.05 МТ ва БР академик рус халқ чолғу оркестрининг концерти.
23.10 «Сизга манзур адабиётлар».

● ЎзТВ I

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Бадавлат Садко». Мультфильм.
18.30 «Пионерлар мамлакатида».
19.00 «Ахборот» (рус.).
19.15 «Ичкиликсиз яшаш учун» «Лойга беланиб». Катталар учун мультфильм.
19.30 Футбол бўйича СССР чемпионати. «Пахтакор» — «Шинник» (Ярославль). «Пахтакор» Марказий стадионидан репортаж. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.20 «Уссурий қўриқхонаси». Телефильм.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Й. Охунбобоев туғилган кунининг 100 йиллигига. «Улкан қисқа умр». Бадиий фильм (рус.).
23.15 «Бугун оламда нима гап?» Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00—16.20 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 Врач маслаҳати. Чекиш ва ўпка рак касаллиги.
18.35 «Абитуриент-85». Химия.
19.05 «Тўрғайлар, учиб келинг». Фильм-концерт.
19.45 Тошкент янгиликлари.
20.05 «Болакайлар». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

СЕШАНБА, 2. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Қуёш болалари». Телевизион бадиий фильм. 1-2-серия-лар.
12.30 Б. Барток. Альт ва оркестр ижроси учун концерт.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Қишлоқ уфқлари». Ҳужжатли фильмлар.
16.05 Болалар учун фильм. «Бронза қуш». 1-серия.
17.10 В. Кунченко куйлайди.
17.20 «Қардошлик юлдузи». СССР ва ВСР иқтисодий ҳамкорлиги ҳақида ҳужжатли фильм.
17.50 «Вьетнам санъати». 1-кўрсатув.
18.30 «Сумск суръати». М. В. Фрунзе номли Сумск ишлаб чиқариш бирлашмасининг ўз харажатларини ўзи қоплашга тўла ўтказилгандан кейинги иш тажрибаси ҳақида.
19.00 «Қувноқ нотачалар».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фан ва турмуш». СССР ФАнинг Ленинград илмий марказм.
20.00 «Изланиш». СССРда урушдан илгариги йилларда ишлаб чиқарилган самолётларни излаб топиш ва тиклаш ҳақида.
20.20 «Бугдан Вислагача». Бадиий фильм. 1-серия—«Мустақил ҳаракат қилаверинг».
21.30 «Время».
22.05 Ленин комсомоли мукофотининг лауреати «Хорошки» фольклор-хореографик ансамблининг концерти.
23.40 «Дунё воқеалари».
23.55 «Москва бўйлаб саёҳат. Герцен кўчаси». Телефильм.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Кўршапалаклар ҳақида қўшиқ». Мультфильм.
9.25 Санъат усталарининг концерти.
10.55 «Горнчилар, қаердасиз!»
11.25 «Шахмат мактаби». Маҳорат сабоқлари.
11.15 Ҳужжатли фильмлар: «Аризамни қайтариб беринг», «Мангу бошоқ дони».
12.30 «Таътилдаги саргузаштлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 2-серия.
13.40 «Оила ва мактаб» Тележурнал.
14.10 Француз тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун.
14.55 «Яна бир бор асримиз ташвишлари ҳақида». Ҳужжатли фильм премьераси.
15.20 Приморье телевидениеси ва радиоэшиттириш Давлат комитети симфоник оркестрининг концерти.
15.45 От спорти бўйича СССР чемпионати.
16.30 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Ҳамдўстлик». Тележурнал.
19.15 «Музикали киоск».
19.45 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Ўрмондаги кўшиқча». Мультфильм.
20.50 «Инсон ва қонун».
21.20 «Порошокли металлургия». Илмий-оммабоп фильм.
21.30 «Время».
22.05 «Қора қуёш». Бадиий фильм.
23.45 М. Тариверднев қўшиқлари.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Қурбақа ва Эдельвейс».
11.00 «Эрта тонг». Бадиий фильм.
12.35 «Хайр боғча, боғчажон!» (рус.).
13.05 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Винни-Пух». Қўғирчоқ фильм.
18.25 Мактаб ўқувчилари учун. «Дўстларимиз планетаси» (рус).
19.00 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Бурчга садоқат».
19.30 «Ахборот» (рус).
19.45 «Адабий альманах».
20.30 «Ахборот».
20.50 Ўзбекистон телевидениеси ва радиоси солистларининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Июль — ҳосил тўплашда ҳал қилувчи ой».
22.25 «Ўзгалар бахти». Бадиий фильм («Ўзбекфильм»).
23.45 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16,35 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Русия бўйлаб». Бадиий фильм.
19.55 Тошкент янгиликлари.
20.15 «Фан-техника тараққиёти-85». «Чиқиндилар ва даромадлар». Телефильм.
20.30 «Абитуриент-85». Иншо қандай ёзилади.
21.00 «Интенсилаштириш йўлидан». Юкларни марказлашган ҳолда ташиш «Тошгоравтотрест»нинг 127-автокорхонаси коллективи ҳақида ҳикоя (рус).
21.30 МТ II

ЧОРШАНБА, 3. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 РСФСР халқ артисти А. Тихонов чалади (балалайка).
10.10 «Саёҳатчилар клуби».
11.10 «Бугдан Вислагача». Бадиий фильм. 1-серия—«Мустақил ҳаракат қилаверинг».
12.15 «Қишлоқдаги таътиллар». Телефильм.
12.45 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Мирчинк» разведкага боради». Телефильм премьераси.
15.50 Болалар учун фильм. «Бронза қуш». 2-серия.
16.55 «Танишинг, Шри Ланка». Киноочерк.
17.20 «Инсон—замин соҳиби».
18.20 «Вьетнам санъати». 2-кўрсатув.
18.55 Концерт.
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «СОС». Алкоголизмнинг зарари ҳақида мультфильм.
19.40 «Дунё ва ёшлар».
20.20 «Бугдан Вислагача». Бадиий фильм. 2-серия — «Ўлимларни қолдириб доғда».
21.30 «Время».
22.05 Театр ва замон. «МХАТнинг барҳаёт анъаналари».
23.05 «Дунё воқеалари».
23.20 Халқаро конкурслар лауреати Л. Тимофеева чалади.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Қора қуёш». Бадиий фильм.
10.55 Мактаб ўқувчиларининг икки марта Совет Иттифоқи Қаҳрамони, СССР космонавт-учувчиси В. А. Жонибеков билан учрашуви.
11.40 «Сенинг висолинг». Фильм-концерт.
12.05 Ж. Свифт. Ижод саҳифалари.
13:05 «Таътилдаги саргузаштлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 3-серия.
14.25 Немис тили. 2-йил шуғулланаётганлар учун,
14.55 «Ўсмирлар ижоди».
15.25 «Муаллим». Телефильм.
15.50 От спорти бўйича СССР чемпионати.
16.35 «Рассомлар ҳақида ҳикоялар».
17.05 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.50 Акробатика, спорт ва бадиий гимнастика бўйича халқаро мусобақалар. Венгриядан олиб кўрсатилади.
19.30 «Қишлоқ янгиликлари».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Пластилиндан ясалган ҳайвонот боғи». Мультфильм (ГДР).
20.50 «Мухбирларимиз ҳикоя қиладилар».
21.20 М. Балакирев. «Исломей». Шарқ фантазияси.
21.30 «Время».
22.05 «Мингбулоқ чашмалари». Телевизион бадиий фильм премьераси. 1-серия («Ўзбекфильм»).
23.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
23.55 «Оризонт» ансамбли ижро этади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Ялқовлар ҳақида». Қўғирчоқ фильм.
10.50 Болалар учун концерт.
11.25 «Ёш директорнинг ҳаётидан». Телефильм.
12.15 «Қизил альпинистлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 1-ва 2-сериялар (ГДР, рус.).
13.10 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Ўқувчилар бригадасида».
18.45 Олимпия резерви спорт мактаблари ўсмирлар ва болалар командалари ўртасида футбол бўйича СССР биринчилиги. «Пахтакор» (Тошкент) — «Динамо» (Тбилиси).
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Салмоқли процент». Тошкент «Компрессор» заводида меҳнат унумдорлигини ошириш йўллари» (рус.).
20.15 «Ноз-неъмат бунёдкори».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Камер куйлари кечаси».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ҳақиқат ва хурофот». Атеистик мавзуларда кўрсатув.
22.35 «Саҳна санъати усталари». ЎзССР халқ артисти М. Мирокилов (такрорий).
23.25 «Бугун оламда нима гап?». Халқаро аҳвол кундалиги.

● ЎзТВ II

9.00—17.10 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Биология.
18.40 «Осетия афсонаси». Бадиий фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.25 Енгил саноат ходимлари кунига бағишланган музикали программа (такрорий).
21.30 МТ II

ПАЙШАНБА, 4. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Афсунгар давра». Фильм-концерт.
10.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
11.10 «Бугдан Вислагача». Бадиий фильм. 2-серия — «Ўлимларни қолдириб доғда».
12.20 Халқаро конкурслар лауреатлари В Кинчеш ва Л. Полгар (Венгрия) концерти.
13.10 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Фан ва меҳнат иттифоқи». Ҳужжатли фильмлар.
16.00 Болалар учун фильм. «Бронза қуш». 3-серия.
17.10 «Ерда, самода ва денгизда».
17.40 «Югославия. Курашчи куни». Киноочерк.
18.00 «...16 ёшгача ва ундан катталар».
18.45 Халқ куйлари.
18.55 Алкоголизмнинг зарари ҳақида илмий-оммабоп фильмлар: «Одамнинг афт-ангори», «Агар ҳушёр қаралса...»
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Фақат катталар учун». Мультфильм.
19.40 «Давримизнинг энг муҳим талаби». «Жойида ҳал этилмоқда» туркумидан.
20.25 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сенинг дўстинг — велосипед». 3-кўрсатув.
20.40 «Марк Рейзен билан учрашув». Фильм-концерт.
21.30 «Время».
22.05 «Ёзувчи ва замон».
22.55 СССР Давлат академик Большой театри духовой оркестрининг концерти.
23.50 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Мингбулоқ чашмалари». Телевизион бадиий фильм. 1-серия.
10.20 «Дефицит». Телефильм премьераси.
10.50 «Алёнушка ва солдат». Мультфильм.
11.10 УССР Баришев район «Пролисок» халқ рақс ансамбли ижро этади.
11.25 «Онамларнинг мактаби».
11.55 КЕМЕРОВО ТЕЛЕСТУДИЯСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.40 «Таътилдаги саргузаштлар». Болалар учун телевизион бадиий фильм. 4-серия.
14.10 Испан тили.
14.40 МТ ва БР эстрада-симфоник оркестрининг концерти.
15.10 «Учинчи йўл йўқ». Бадиий фильм, субтитр билан. 2-серия.
16.10 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Шахмат мактаби».
19.15 «Қурилиш ва архитектура». Киножурнал.
19.25 В. Гаврилин. «Рус дафтари» вокал туркуми.
20.00 «Кўплаб сифатли товарлар етказиб берайлик».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Филчаларнинг саргузашти».
20.50 «Кашфиёт». Телефильм премьераси.
21.00 Ритмик гимнастика.
21.30 «Время».
22.05 «Мингбулоқ чашмалари». Телевизион бадиий фильм премьераси, 2-серия («Ўзбекфильм»).
23.10 «Биосфера эталонлари». Телефильм.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун фильм. «Диққат, тошбақа».
11.45 «Қувноқ пионер ёзи» (рус.).
12.20 «Қизил альпинистлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 3- ва 4-сериялар (рус.).
13.15 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.15 «Кекса бўри ва янги келган Пуфик». Қўғирчоқ фильм.
18.30 «Абитуриент-85». Тошкент ирригация ва қишлоқ хўжалигини механизациялаш инженерлари институти.
19.00 Москвада бўладиган ёшлар ва студентларнинг XII Жаҳон фестивали олдидан. «Салом, фестиваль!».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Инсон ва қонун» почтасидан.
20.15 «Ғалла — ризқ-рўзимиз».
20.30 «Ахборот».
20.50 С. М. Киров номидаги Ўш музикали драма театрининг концерти.
21.30 Москва. «Время».
22.05 Ўзбекистон халқ ёзувчиси Саид Аҳмаднинг ижодий кечаси (такрорий).
23.25 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.15 МТ II
18.05 Кўрсатувлар программаси.
18.10 «Абитуриент-85». Математика.
18.40 «Дарё». Телефильм.
19.10 Реклама.
19.20 «Касблар ҳақида ҳикоялар».
19.50 Тошкент янгиликлари.
20.10 «Соҳиллар». Бадиий фильм.
21.30 МТ II

ЖУМА, 5. VII

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Концерт залида — мактаб ўқувчилари».
10.05 «Азов». Телефильм.
10.35 Мультфильмлар: «Қувноқ карусель», «Чумолининг саёҳати», «Фақат ўзини ўйлайдиган полвон».
11.05 «Жонажон ўлка оҳанглари».
11.35 «Шоир қалби». Телефильм премьераси.
11.55 Халқаро конкурслар лауреати А. Мельников чалади (скрипка).
12.25 Янгиликлар.

* * *

15.00 Янгиликлар.
15.20 «Синов кунлари». Телефильм премьераси.
15.50 П. И. Чайковский. «Флоренция ҳақида хотиралар».
16.25 «Рус тили».
16.55 Болалар учун фильм. «Мишка, кичкинтой ва бошқалар». 2-фильм — «Биринчи баҳор».
17.25 «Подмосковьенинг агросаноат комплекси».
17.55 «Бил ва уддала». Мактаб ўқувчилари учун илмий-ўқув кўрсатуви.
18.25 «Афсоналар ери». Венесуэла ҳақида телефильм премьераси.
18.45 «Курземе қирғоғидаги қўшиқлар». Фильм-концерт премьераси.
19.00 «Расмларда қуёш акси бор».
19.15 «Дунё воқеалари».
19.30 «Агар соғлом бўлай десанг». «Сенинг дўстинг — велосипед». 4-кўрсатув.
19.45 «Сен томон бораман, Арктика». Ҳужжатли фильм.
20.15 «Москва». Киношарҳ.
20.25 «Сизни В. Канделаки таклиф этади».
21.30 «Время».
22.00 Футбол бўйича СССР чемпионати. Йўқлама. «Динамо» (Киев) — «Днепр», «Динамо» (Москва) — «Динамо» (Тбилиси). Киев ва Москвадан олиб кўрсатилади.
23.45 «Дунё воқеалари».

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Мингбулоқ чашмалари». Телевизион бадиий фильм. 2-серия.
10.25 «Қалбга яқин қўшиқлар».
10.55 «Юрак ва томир ишлари». Илмий-оммабоп фильм.
11.15 «Буратино кўргазмаси».
11.45 «Едингдами, ўртоқ...»
12.45 Заир республикаси миллий балетининг концерти.
13.15 «Бошпанасиз Конгурджа». Мультфильм.
13.30 Инглиз тили.
14.00 Г. Мамлин. «Июнь, Москва, Чертаново». Телеспектакль.
15.55 Дзюдо кураши бўйича СССР чемпионати.
16.25 Янгиликлар.

* * *

18.30 Янгиликлар.
18.45 «Оқшом тароналари».
19.45 «Инсон. Ер. Коинот».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Типратиканлар». Мультфильм (ЧССР).
20.45 «Халқ ижодиёти». Телекўрсатув.
21.30 «Время».
22.00 «Дима Горининг мавкеи». Бадиий фильм.
23.35 Донецк филармонияси симфоник оркестрининг концерти.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Болалар учун телетеатр. «Сирли бошоқ» (такрорий).
11.25 «Бурчаксиз уй». Ҳужжатли телефильм.
11.40 «Қизил альпинистлар». Кўп серияли телевизион бадиий фильм. 5-ва 6-сериялар (рус.).
12.30 Янгиликлар.

* * *

18.00 Янгиликлар.
18.10 «Ивасик-Телесик», «Бувимнинг эчкиси бор эди». Мультфильмлар.
18.30 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Касбим-фахрим».
19.00 «Ахборот» (рус.).
19.15 «Агатлар ҳақида ҳикоя». Телефильм.
19.30 Футбол бўйича СССР кубоги. «Пахтакор» — «Луч» (Владивосток). «Пахтакор» Марказий стадионидан олиб кўрсатилади. Танаффус пайтида — «Ахборот».
21.15 «Қоялар орасида». Манзарали фильм.
21.30 Москва. «Время».
22.00 «Сара уруғ — ҳосил бўлиқ».
22.20 «Ҳимоя учун сўз». Бадиий фильм.
23.55 Янгиликлар.

● ЎзТВ II

9.00—16.30 МТ II
18.15 Кўрсатувлар программаси.
18.20 «Абитуриент-85». Физика.
18.50 «Элегия». Телефильм.
19.20 «Ҳуқуқ-тартибот посбонлигида».
19.50 «Фақат гуллар». Ҳужжатли фильм.
20.00 Тошкент янгиликлари.
20.20 Қўқон шаҳридаги Бабушкин номли Маданият уйи «Омон-ёр» фольклор ансамблининг концерти.
21.00 «Абитуриент-85». А. Беруний номли Тошкент Давлат политехника институти (рус.).
21.30 МТ II

ШАНБА, 6. VII

ХАЛҚАРО КООПЕРАЦИЯ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Рақслар гулдастаси». Концерт. Тошкентдан олиб кўрсатилади.
10.10 «Ҳамма циркни севади».
11.05 «Музей ва кўргазма заллари бўйлаб».
11.45 «Бугун — Халқаро кооперация куни».
12.15 «Салом, фестиваль!» Концерт.
12.50 «Сиз бунга қодирсиз».
13.35 «Конкрет буюртма». Телефильм премьераси. «Меҳнатга яраша шараф ва шуҳрат» туркумидан.
14.05 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Кипр тўйи» (Кипр).
14.35 «Оила ва мактаб». Тележурнал.
15.05 «Дунё воқеалари».
15.20 «Ўз хотирангдан сўра». Ҳужжатли фильм премьераси.
16.10 «Эртага — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни».
16.40 «Чашмалар».
17.15 Сиёсий шарҳловчи В. П. Бекетов суҳбати.
17.45 Мультфильмлар: «Сузмоқчиман», «Эртаклар китобидаги Петти».
18.00 «Ғирром уруш». АҚШ, Ғарбий Европа ва Япония ўртасида савдо зиддиятлари.
18.30 «Халқаро конкурс лауреати С. Бунин чалади (фортепьяно).
19.00 «Ҳайвонот оламида».
20.00 «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 1-серия.
21.30 «Время».
22.05 «Рақс оҳангларида». Эстрада кўрсатуви.
22.45 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан олиб кўрсатилади.
23.45 «Владивосток». Телефильм.
00.05 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 Эрталабки гимнастика.
9.15 «Агар соғлом бўлай десанг».
9.30 Телефильмлар: «Эгарга миниб, тоғли Олтой бўйлаб», «Волейбол—шунақа ўйин».
10.05 «Сиз яратган боғ».
10.35 «Тонгги почта».
11.05 ҚОЗОҒИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ.
12.20 Мультфильмлар: «Ялтироқ қурт», «Биринчи скрипка».
12.50 И. О. Дунаевский асарларидан концерт.
13.50 «Саёҳатчилар клуби».
14.50 «Лидия». Телевизион бадиий фильм (Югославия).
16.20 «Душанба—дам олиш куни». Ҳужжатли фильм.
17.05 Дзюдо кураши бўйича СССР чемпионати.
17.40 Бадиий рақс коллективларининг концерти.
18.10 «Кинотомошабин ҳамроҳи».
18.55 «Халқаро обзор».
19.10 «Москванинг мусиқавий уйлари». «Малая Молчановкада, Арсеньевалар ҳузурида».
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Филчаларнинг саргузашти». Мультфильм (ЧССР).
20.45 «Здоровье».
21.30 «Время».
22.05 «Қўрқув». Телевизион бадиий фильм.
23.20 М. Брух. Скрипка, альт ва оркестр ижроси учун концерт.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 Тонгги концерт. ЎзССР халқ артисти М. Шамаева, ЎзССРда хизмат кўрсатган артистлар Г. Фозилжонова, О. Муҳамедова ижросида (такрорий).
11.00 Ўсмирлар учун. «Оқ йўл!» (рус.).
11.50 «Шахмат мактаби».
12.20 «Қўшиқ», «Филча ва хат». Мультфильмлар.
12.40 «Пойтахтимиз меҳмонлари». Бошқирдистон АССР рус драма театри (рус.).

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Малахит қутича», «Тезюрар Мук». Мультфильмлар.
18.40 Болалар учун. «Санъат ғунчалари».
19.10 «Бугун — Халқаро кооперация куни».
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Бир асар тарихи». О. Ёқубов. «Улуғбек хазинаси».
20.30 «Ахборот».
20.50 «Мусиқа жавони».
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ёшлик» студияси кўрсатади. «Оталар сўзи — ақлнинг кўзи».
23.05 Кўрсатувлар программаси.

● ТОЖИКИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 17.40 МТ II
18.25 Кўрсатувлар программаси.
18.30 «Пионер ёзи».
19.00 «Новости».
19.20 «Жаҳон бир ҳафта ичида».
19.30 «Салют, фестиваль!»
20.30 «Ахбор».
20.50 «Шеърият кечаси».
21.30 МТ II

ЯКШАНБА, 7. VII

ДЕНГИЗ ВА ДАРЁ ФЛОТИ ХОДИМЛАРИ КУНИ

● МТ I

9.00 «Время».
9.40 «Дукат» фабрикаси клуби фольклор ансамблининг чиқиши.
10.05 «Уралочка». Телефильм премьераси.
10.25 «Спортлото»нинг 27-тиражи.
10.35 «Будильник».
11.05 «Совет Иттифоқига хизмат қиламан!»
12.05 «Здоровье».
12.50 «Ералаш» болалар ҳажвий киножурнали.
13.35 «Қишлоқ янгиликлари».
14.35 «Музикали киоск».
15.05 Болалар учун фильм. «Ҳамма палубага».
16.15 «Бугун — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни».
16.45 Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига бағишланган концерт.
17.30 «Саёҳатчилар клуби».
18.30 Мультфильмлар: «Мушук Леопольднинг қасоси», «Мушук Леопольднинг телевизори», «Мушук Леопольднинг хазинаси».
18.50 «Халқаро панорама».
19.35 «Халқ ижодиёти». Телекўрсатув.
20.20 «Дерсу Узала». Бадиий фильм. 2-серия.
21.30 «Время».
22.05 Р. Шуман. Симфоник этюдлар.
22.35 Теннис. Уимблдон турнири. Англиядан олиб кўрсатилади.
23.35 Янгиликлар.

● МТ II

9.00 «Зарядкага сафланинг!»
9.15 «Қувноқ нотачалар».
9.30 Ритмик гимнастика.
10.00 «Рус тили».
10.30 Денгиз ва дарё флоти ходимлари кунига бағишланган ҳужжатли фильмлар.
11.00 Г. Вавиловнинг камер асарлари.
11.40 «Интенсивлаштириш йўлидан». Телефильм.
12.10 «Муха-цокотуха», «Мойдодир». Мультфильмлар.
12.40 «Эзоп». Телевизион бадиий фильм.
14.25 «9-студия».
15.25 «Бор йўғи бир кун». Илмий-оммабоп фильм.
15.35 «А. Румовская-Махниковская талқинидаги катта роллар». Польшадан олиб кўрсатилади.
16.10 «Мўъжизасиз-мўъжизалар».
17.10 «Дунё ва ёшлар».
17.45 «Зиғир, каноп ва хмель...» Илмий-оммабоп фильм.
18.00 «Пўлат қандай тобланди». Олти серияли телевизион бадиий фильм. 4-серия.
19.05 Дзюдо кураши бўйича СССР чемпионати.
19.35 «Машҳур совет композиторлари — Ленин мукофотининг лауреатлари». Г. Свиридов.
20.30 «Тунингиз хайрли бўлсин, кичкинтойлар». «Икки масхарабоз». Мультфильм (ЧССР).
20.45 «Камалак» халқ ижодиёти телепрограммаларининг VI Халқаро фестивали. «Кипр тўйи» (Кипр).
21.15 «Ажойиб кўллар». Телефильм премьераси.
21.30 «Время».
22.05 «Пароходлар эса навра тортиб ўтиб кетади». Телевизион бадиий фильм.
23.10 А. Мишченко ва И. Сердковларнинг баянчилар дуэти чалади.
23.35 Волейбол бўйича халқаро турнир. Хотин-қизлар. СССР-1—ГФР терма командалари. Тбилисидан олиб кўрсатилади.

● ЎзТВ I

10.00 «Ахборот».
10.25 «Дебют». Ёш хонандаларнинг конкурс программаси. С. Козиева ва Н. Ҳайитов (такрорий).
11.05 «Ҳужжатли кино экрани». «Буюк Кобзарь Ватанида» (рус.).
11.50 Мактаб ўқувчилари учун. «Қувноқ стартлар».
12.50 «Колумб» шхунасининг юнгаси». Бадиий фильм.
14.05 «Йўл ҳаракати хавфсизлиги учун».
14.40 Реклама.

* * *

18.00 Кўрсатувлар программаси.
18.05 «Мен қизил ўрмон расмини чизаман». Қўғирчоқ фильм.
18.25 Болалар учун. «Бойчечак».
18.55 «Бугун — Денгиз ва дарё флоти ходимлари куни».
19.05 «Днепр узра қўшиқлар». Фильм-концерт.
19.30 «Ахборот» (рус.).
19.45 «Назм ва наво». Нодира лирикаси.
20.30 «Ахборот».
20.50 «Назм ва наво». Нодира лирикаси (давоми).
21.30 Москва. «Время».
22.05 «Ягона, ақил онлада». Украина ССР.
23.25 Кўрсатувлар программаси.

● ҚИРҒИЗИСТОН ТЕЛЕВИДЕНИЕСИНИНГ ПРОГРАММАСИ

9.00 — 15.35 МТ II
16.00 Кўрсатувлар программаси.
16.05 «Иван Франко». Ҳужжатли фильм.
16.55 «Менинг тақдирим». Телевизион бадиий фильм.
18.15 Фильм-концерт.
18.50 Москва. «Халқаро панорама».
19.35 «Пароходлар ёнимиздан сузиб ўтарди». Телефильм.
19.55 «Советлар ва ҳаёт».
20.25 Ўш кўрсатади. «Гулдасте» халқ филармонияси».
21.30 МТ II

СССР Монтаж ва махсус қурилиш ишлари министрлиги «СОЮЗСТАЛЬКОНСТРУКЦИЯ» Бутуниттифоқ саноат бирлашмасининг ТУЙТЕПА МЕТАЛЛ КОНСТРУКЦИЯЛАРИ ЗАВОДИГА бош бухгалтер вазифасига МАЛАКАЛИ МУТАХАССИС КЕРАК

завод мутахассисни завод микрорайонида яхши жиҳозланган квартира билан ҳамда Тошкент шаҳрида яшовчи кишини ишга ва ишдан сўнг завод транспортида элтиб қўйишни таъминлайди.

Мурожаат учун адрес: 702332, Тошкент области, Ўрта Чирчиқ районидаги Янги ҳаёт посёлкаси («Тошкент—Туйтепа» автобусида, кейин маҳаллий автобус билан борилади). Телефонлар: 44-31-78, 44-31-79.

ЎЗБЕКИСТОН ТАБИАТНИ МУҲОФАЗА ҚИЛИШ ЖАМИЯТИ

Ўзбекистон ССР Ички ишлар, Автомобиль транспорти министрликлари, Ўзбекистон гидрометеорология ва табиий муҳитни контрол қилиш республика бошқармаси билан биргаликда

1 ОКТЯБРГАЧА

атроф муҳитни муҳофаза қилиш бўйича

ЭНГ ЯХШИ АВТОТРАНСПОРТ КОРХОНАСИ УЧУН РЕСПУБЛИКА КОНКУРСИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИЛАР

КОНКУРС МАҚСАДИ — автотранспортдан чиқадиган зарарли чиқитлар оқибатида ҳаво ҳавзасининг ифлосланишини камайтириш, ёнилғи-мойлаш материалларидан тежаб-тергаб фойдаланишдан иборат.

КОНКУРС ҒОЛИБЛАРИНИ РАҒБАТЛАНТИРИШ УЧУН 24 ПУЛ МУКОФОТИ, 30 ЕРЛИҚ БЕЛГИЛАНГАН.

77-84-17 телефони орқали маълумотлар олиш мумкин. Ўзбекистон табиатни муҳофаза қилиш жамияти республика совети.

театр

НАВОИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ АКАДЕМИК КАТТА ТЕАТРИДА —29/VI да Сўғд элининг қоплони.

МУҚИМИЙ НОМЛИ ЎЗБЕК ДАВЛАТ МУЗИКАЛИ ТЕАТРИДА —29/VI да Тошболта ошиқ (20.00).

Ю. А. ГАГАРИН НОМЛИ 98-РУС ТИЛИНИ ЧУҚУР ЎРГАТАДИГАН ШАҲАР МАКТАБ ИНТЕРНАТИ

1985-86 ўқув йили учун 1, 5, 6, 7, 8-синфларга

ЎҚУВЧИЛАР ҚАБУЛ ҚИЛАДИ

Қабул қилинган ўқувчилар йил давомида давлат ҳисобидан бепул 4 маҳал иссиқ овқат, кийим-кечак ва ўқув қуроллари билан таъминланадилар.

Бизнинг адрес: 700020, Тошкент шаҳри, Архангельский кўчаси, 27-уй. Телефон 42-35-34.

кино

29 ИЮНДА БАДИИЙ ФИЛЬМЛАР: «БИР-БИРИМИЗ УЧУН ЯРАТИЛГАНМИЗ» — Санъат саройи (катта зал, 18, 18.30, 20.45; кичик зал, 19.30, телефон 44-21-44), Тошкент Советининг 50 йиллиги номли (18.30, 21.00; телефон 78-47-25), Қозоғистон (17, 18, 20, 21.00, телефон 35-24-92), Дружба (17, 18, 20, 20.30, телефон 66-15-75), Восток (18.30, 21.00, телефон 91-14-61).

«КЕЛИНЛАР ҚЎЗҒОЛОНИ»; «ВОДИЛЛИК КЕЛИН» (ўзбек тилида) — Чайка (18.40, 21.10, телефон 77-06-20), Нукус (19, 21.30, телефон 46-70-69).

«ЧАНГАЛЗОР ҚИРОЛИ» — Ватан (18.30, 21.00).

«БЛЕФ», «КЎЗДАН ҚОЧИРМА» — Фестиваль (22.00, телефон 32-78-02).

«ЭПСОНЛИК ЖЕНТЕЛЬМЕН» — Хива (22.00), ВЛКСМ 30 йиллиги (жуфт соатларда, телефон 33-44-52).

«ТАҚДИР ҲОКИМИ» (2 серияли) — Ўзбекистон ССР 25 йиллиги номли (18.30, 21.00, телефон 53-65-87).

«ЎЗГА САЙЁРАЛИК АЁЛ» — Искра (жуфт соатларда, телефон 39-14-59).

«СИНЬОР РОБИНЗОН» — К. Ерматов номли (тоқ соатларда, телефон 24-22-66).

«ҚАЙСАРНИНГ БУЙСУНДИРИЛИШИ» — Москва (тоқ соатларда, телефон 33-05-01).

«ҚОРА КАЛХАТ» — Лисунов номли (тоқ соатларда).

«АБДУЛЛА» — Тинчлик (18.30, 21.00).

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИДА СССР биринчилиги учун 1 ИЮЛЬ СОАТ 19.30 ДА «ПАХТАКОР» (Тошкент)— «ШИННИК» (Ярославль) командалари ўртасида

ФУТБОЛ

Футбол матчи олдидан Октябрь районидаги «БАЕТ» АНСАМБЛИ иштирокида КОНЦЕРТ.

ФУТБОЛ ИШҚИБОЗЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

«ПАХТАКОР» МАРКАЗИЙ СТАДИОНИ КАССАЛАРИДА ОЛДИНДАН БИЛЕТ СОТИШ ТАШКИЛ ЭТИЛГАН.

Ўзбекистон ССР Нефть маҳсулотлари таъминоти давлат комитетининг республика информацион-ҳисоблаш маркази коллективи бош инженер Я. Т. Дадамуҳамедовга отаси Турсун ДАДАМУҲАМЕДОВнинг вафот этганлиги муносабати билан чуқур таъзия изҳор қилади.



ТОШКЕНТ ОҚШОМИ [«ВЕЧЕРНИЙ ТАШКЕНТ»]
—орган Ташкентского горкома Компартии Узбекистана и Ташгорсовета.
(Газета бир йилда 300 марта чиқади).

БИЗНИНГ АДРЕС: 700047, ТОШКЕНТ ШАҲРИ, ЛЕНИНГРАД КЎЧАСИ, 32.

Телефонлар: секретариат — 33-57-02; бўлимлар: партия турмуши — 32-53-66; саноат — 33-08-74; қурилиш — 32-58-85; шаҳар хўжалиги — 32-55-39; Совет қурилиши ва ҳуқуқ —32-54-19; фан, мактаб, олий ўқув юртлари — 32-53-10; адабиёт ва санъат —32-56-81; ахборот —33-28-95; спорт ва ҳарбий ватанпарварлик ишлари— 32-55-32; хатлар — 33-29-70; эълонлар бўлими— 33-81-42.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмахонаси. Тошкент шаҳри.

Р —13841. Индекс 64690. А —2159. 1 2 3 4 5 6 7 8 9 10.